

Мозийга айланган иккинчи минг йиллик инсониятга ўзидан анча-мунча глобал муаммоларни мерос қилиб қолдириб кетдики, нафақат бугунги, балки келажак авлод уларга ечим топишга мажбур. Ана шундай муаммолардан бири ...

5 бет

Собит Мехри опанинг куёвиги ҳам ишни битириш осон эмаслигига шама қилиб, гап орасида 500 долларни кистириб ўтди. Куёв ҳам тушунганлардан экан, шу захоти рози бўлиб, айтлган микдордаги пулни келтириб берди...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 22-aprel, №16 (693)

Назорат

Жараён

Бағрикенглик

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар негизини инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади ташкил этади. Бу мақсад Конституциямиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Давлатимиз халқаро андозалар даражасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий амал қилиб келатганини Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ҳужжат халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримликнинг амалий ифодаси бўлиб, унинг бекаму кўст ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Сенатининг мажкур қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят прокуратура органлари томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Аввало, шунга таъкидлаш керакки, қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш юзасидан прокуратура ходимларининг бевосита иштирокида кўплаб маъруза, суҳбат ва учрашувлар ташкиллаштирилди, ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Амнистия тўғрисидаги қарор ижроси устидан қатъий прокурор назорати олиб борилди. Жумладан, суд департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси тизимида ушбу қарор ижросининг аҳоли атрофида ўрганиб чиқилди.

Суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси, туман-шаҳар суд ижрочилари бўлимидаги томонидан қарор ижросини таъминлаш борасида бирмунча ишлар қилинганлиги эътироф этиш керак. Чунки, амнистия тўғрисидаги қарорни татбиқ этиш учун жиноят ишлари бўйича судларга илтимоснома киритиш юзасидан туман-шаҳар прокурорларига ҳавола этилган 29 та тақдимноманинг барчаси судлар томонидан қаноатлантирилди. Қарорнинг 1-банди "а" кичик банди билан 8 нафар аёл, 1-банди "в" кичик банди билан 1 нафар, 2-банди билан 19 нафар ва 3-банди билан 1 нафар шахс жазодан озод этилди. Жумладан, Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 7 та, Гулистон тумани ва Ширин шаҳрида 5 тадан, Сирдарё туманида 4 та, Оқолтин ва Сардоба туманларида 3 тадан, Ховос туманида 2 та давлат фойдасига жарима ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича амнистия қарорлари татбиқ этилиб, шахслар жазодан озод этилди.

/Давоми 4-бетда/

Ватан тараққиёти учун барчамиз масъулмиз

Сарҳисоб — қилинган ишларни таҳлил қилиш, ютуқларни эътироф этган ҳолда камчиликларни, эътибордан четда қолган масалаларни қайд этиш, хато-камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва ниҳоят ана шу хулосаларни мужассамлаштирган ҳолда келгуси режаларни пухта, мукамал тузиш имконини берувчи муҳим омилдир.

Ҳар ойда, чоракда, ярим йиллик ва йиллик фаолиятни ўрганиш, сарҳисоб қилиш ва режалар тузиш ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган 2010 йилда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаолиятимиз қай йўсунда бориши, аввало, аниқ ва пухта режалар тузишимизга боғлиқ.

29 январь куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" мавзусида маъруза қилди.

Маърузани тинглаган ҳар бир фуқарода юртимизнинг бугуни ва эртанги кунни тўғрисида аниқ тасаввур, ижобий хулосалар пайдо бўлиши, эртанги кунга ишонч кучайиши табиий. Чунки мамлакатимиздаги одилона сиёсат, барча соҳаларда муваффақият билан

олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари давлатимизнинг дадил ва ишончли ривожланаётгани ва бошқа бир қатор ютуқлар барчамизда фахр ҳиссини уйғотади. Мамлакатни ривожлантириш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда амалга оширилган ижобий ишлар натижасида глобал инқироз тўлқинига бардош берибгина қолмай, барқарор ривожланишга, халқ бирдамлиги ва фаровонлигини оширишга эришганимизни гурур билан айтмай турибмиз. Юртбошимизнинг маърузасида таъкидланганидек, бутунжаҳон ўтган йилда айниқса чуқурлашган молиявий-иқтисодий инқироз даврини бошдан кечирганда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилгани жазон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган иқтисодийни энг муҳим қилишнинг бешта асосий тамойили асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўл тўғрилгини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир исботдир.

Муваффақиятлар зарралардан йиғилиб, улкан салобат кашф этади. Ўтган йил вилоятимизда қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, юрт равнақи ва халқ фаровонлигини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тадбиркорликнинг муҳим бўлини бўлмиш кичик бизнес рақобат-

О.АЗИМОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

чилик муҳитини шакллантиради. Илҳам ва ҳаракатчанлиги билан бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истемолчилар эҳтиёжларига тез мослаша олади, янги иш ўринларини яратди, аҳоли даромадини оширади. Бу соҳани кўплаб-қувватлаш, ёрдам бериш, уларнинг банк кредити ва бошқа моддий техника ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонунийликнинг оғишмай ижро этилиши тараққиёт сари муҳим қадамдир.

2010 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 39989 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган, шундан 36834 таси самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 2504 таси кичик корхоналар, 34330 таси микрофирмалардир. Уларга янги мини технологиялар киритилиши ва фаолиятининг кенгайтириш натижасида ўтган йилда 90075 та янги иш ўринлар яратилди.

Тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун уларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик фаолиятидаги ҳар қандай сарсонгарчилик, тамағирлик, бюрократия ва бошқа тарздаги тўсиқларни қатъиятлик билан бартараф қилиш, кучли ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш алоҳида эътиборга олинган.

/Давоми 3-бетда/

Хабар

Таҳлил

Кенг қамровли мулоқот

Зиёдилла Йўлдашев,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

бошлиқлари, ҳоким ўринбосарлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва вилоят фаоллари иштирок этади.

Иштирокчилар инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилишнинг такомиллашувида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг аҳамияти, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва шу каби мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган мажкур семинарни вилоят прокурори Б.Дехқонли олиб борди.

Шунингдек, тингловчилар Андижон вилоят ва шаҳар прокуратураларининг ҳудудда барқарор ижтимоий муҳитни қарор топтириш, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти билан танишдилар.

Жиноят ишлари қўзғатиш:

Унда қонунийлик принципининг амал қилиши

Жиноят ишларини юритиш жараёнида қонунийлик таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатнинг зарурий шарти ва воситаси бўлиб хизмат қилади. Қонунийлик мустаҳкам ўрин эгаллаган, ҳуқуқ-тартибот қонунийлик талабларига мос келгандагина, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов айтганларидек: "Қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тазроқ воз кечиш ва аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда".

Мамлакатимиз аҳолиси олдига ўз конституциявий ҳуқуқларини билиш ва жиноят-процессуал муносабатларда оқилона иштирок этиш талаби қўйилмоқда. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларида ташкил этилган Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институтлари инсон ҳуқуқлари ҳимояси механизминини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

/Давоми 7-бетда/

Одам дунёга келар экан, бошпанага эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам инсонлар қадим-қадимдан қалби-ю тани ором оладиган иморат қуришга, шу ерда кўпайиб, илдиэ отишга ҳаракат қилишган. Кейинчалик иморатлар фақатгина бошпана эмас, инсоният яратган бир мўъжизага айлана бошлади. Чунки шаҳарсозлик маданиятида бунга алоҳида эътибор қаратилиб, уйлар нафақат қурилиш мақсули, балки санъат асаридарасига кўтарилди. Кейинги йилларда бу анъанани давом эттириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Юртимизнинг исталган гўшасида нозик дим билан барпо этилган муҳташам иморатларга кўзингиз тушиши мумкин. Мустақиллик даврида иморатсозлик ривожланишининг янги боққичига кўтарилди. Бунда яратилаётган имкониятлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳўш, бу борада Қорақалпоғистонда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ўринбосари Ерпўлат Каипбергенов билан учрашиб, унинг қуйидаги фикрларини эъиб олди.

- Дарҳақиқат, республикаимизда капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштириш, архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш фаолияти даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг қурилишини замонавий талабларга ҳамда мулкчилик анъаналарига мос келадиган тарзда комплекс ривожлантиришни таъминлаш, архитектура-шаҳар қурилиш соҳасидаги қимматли меросни сақлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида шаҳар ва қишлоқларимизда жуда катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш

Ер — давлат мулки

ёҳуд айрим шахсларнинг баъзи ўзбошимчаликлари хусусида

ишлари амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистонда ҳам ўтган йиллар давомида архитектура-шаҳарсозлик соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилиб, шаҳарлар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгартирилди, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга эришилди. Биргина 2009 йилда республикада 6 та янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди, 44 та мактаб тўла капитал таъмир-

ланди, 74 та турли объектлар капитал реконструкция қилинди, 4 та янги касб-хунар коллежи қуриб битказилди. Бироқ айрим масўл раҳбарлар ва ўзбошимча фуқароларнинг ўйламай қилган ишлари тўғайли камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Худудларимизни ободонлаштириш мақсадида яратилаётган бир бутунлик, яхлит гўзалликка пўтур етмоқда. Энг ёмони, қонун бузилиши натижасида бошқалар хавфсизлиги хавф остида қолмоқда. Жумладан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан 2009 йил 15 июнда Нукус шаҳри П.Сейтова кўчасида дўкон жойлаштиришга "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ташкилотидан келишув олиш учун юборилган хатта ушбу манзилда дўкон қуришга розилик берилмаган бўлса-да, шаҳар ҳокимининг 2010 йил 15 январдаги қарори билан У.Дирниязовага мазкур манзилдан озик-овқат дўконини қуриш учун 80 м² ер майдони нуқонуний ажратиб берилган.

Нукус шаҳри Ч.Абдиров кўчасида автотўс бекати ва дўкон жойлаштиришга ҳам лойиҳа институти томонидан рад жавоб берилган бўлса-да, шаҳар ҳокимининг 2009 йил 31 январдаги қарори билан Р.Балтабаевага 48 м² ер майдони ажратилган. Бу каби мисоллардан сўнг кишида беихтиёр савол туғилади: худуднинг ташқи қўрилиши, фуқароларнинг шароити хусусида тавиш қилиши лозим бўлган ҳоким нега ерга хўжасизларча муносабатда бўлади? Мутахассисларнинг жавобини нега инобатга олмайдилар? Наҳотки, раҳбар ер давлат мулки эканлигини унутган бўлса?

Яна бир фактга эътибор қаратайлик. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддаси талабига зид ра-

Ерпўлат КАИПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ўринбосари
Нуриддин ОКНАЗАРОВ, "Нуқуқ"

вишда республика бўйича жами 31 та қурилиш объекти экологик экспертизанинг ижобий хулосалари олинмасдан қурилган.

Хар қандай хатони кечирса бўлар, бироқ она табиатга қилинган тажовузни кечириб бўлармикан? Ахир бу инсоннинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган хатони ифлослаш, сувни қуришти, жонотларни қириш дегани-ку! Улар эса ҳар доим ҳам тикланавермайди. Айрим туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан фуқароларга турли хил объектлар қуриш учун ер майдонлари ажратишда электр ва газ тармоқларининг муҳофаза зоналари дахлсизлигини сақлашга эътибор берилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Қурилиш объекти эгалари ишлари битганидан хурсанд, бироқ оқибати қандай бўлади? Дейлик, газ қувури тешилиб қолди ёки юқори қувватли электр тармоғига шикаст етди. Бу ҳодиса ўз вақтида илганмаслиги мумкин, чунки унинг устида иморат қурилган, бу эса ундан фойдаланувчиларнинг ҳаёти хавф остида дегани. Бундай ҳодисалар табиатгина эмас, одамларнинг ўзи ҳам азият чекишини ҳар доим ёдда тутишмайди.

Уларнинг қилмишлари қонунларга ҳурмат билан қаровчи ҳар бир кишини ажаблантириши табиий. Бироқ бир ҳақиқат борки, у ҳаминша гўлиб: ўз манфаатини элникидан устун билганлар узоққа боролмайди.

Тайёргарлик нега сўст?

А.АҚМАНОВ,
Хонқа туман прокурорининг ёрдамчиси

Хонқа туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда 2010 йил баҳорги экиш мавсумида қатнашадиган қишлоқ хўжалиги техникаларининг тайёргарлиги юзасидан мониторинг текширишлар ўтказилмоқда.

Мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилган мониторинг давомида тумандаги ММТПлардаги техникалардан анчисининг аҳоли ачинарли ҳолатда эканлиги, мавсумга тайёрлаш ишлари тўғри ташкиллаштирилмасдан мазкур Фармон талаблари бузилаётганлиги маълум бўлди.

Жумладан, туманда 12 та юқори умумли ҳайдов тракторлари мавжуд бўлиб, шулардан 2010 йил ҳосили учун чигит экиш мавсумига 8 таси тайёрланганлиги, 162 та оддий ҳай-

дов тракторларидан 120 таси, 347 та чопиқ тракторларидан 264 таси, 203 та транспорт тракторларидан 190 таси мавсумга тайёрланган ҳолос.

"Хоразм" ММТПда ўтказилган мониторинг текширишда мавжуд 8 та ҳайдов тракторидан 3 тасининг носозлиги, 21 та чопиқ тракторидан 5 таси таъмирталаб аҳволга келиб қолганлиги, 17 та КХУ-4 культиватордан 3 тасининг носозлиги маълум бўлди.

"Ал-Хоразмий", "Янги ҳаёт", "Навий", "Ғалаба", "Хоразм" номли ММТП ва "Хонқа МТП" ОАЖ томонидан ҳам экиш мавсумида қатнашиши лозим бўлган техникалар тўлиқ шай ҳолатга келтирилмаганлиги сабабли ушбу корхоналарнинг масўл ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш кўзғатилди.

Юртимизда баҳор. Экин-тикин ишлари аллақачон бошлаб юборилди. Носоз техникалар қишлоқ мулкдорлари талабига тўла жавоб берармикан? Буни, албатта, вақт кўрсатади.

Олтин васвасаси

Ғалимжон АБДУХОЛИҚОВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Ер ости ва ер усти бойликлари давлатимизнинг, халқимизнинг бойлиги. Бу бойликлар Ватанимизнинг равнақи учун хизмат қилади. Афсуски, узоқни ўйламайдиган, ўз манфаатлари, нафси йўлида мазкур бойликка кўз олайтирувчилар ҳам бор эканки, улар, албатта, қонун олдида жавоб беришлари шубҳасиз.

НКМК Жанубий қон бошқармасига қарашли Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикасида смена устаси бўлиб ишловчи Бобуржон Шамаатов ўзи билан бир сменадан ишловчи шериклари билан (24 киши) ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилишни мақсад қилганлар. Улар 2008 йил 24 май куни тахминан соат 5:30 ларда таркибда умумий нархи 16 млн, 538 минг 282 сўмлик соф олтин метали бўлган қумни ҳар хил пакетларга солиб, фабрикадан олиб чиқишда ва корхона худудини ўраб турган бетон девор ёнига тўплашди. Уғирланган олтин қумини девордан оши-

риб олиб кетмоқчи бўлган вақтларда Фаллаворол тумани Лалмикор қўрғонда истиқомат қилувчи Азамат Уралов содир этилаётган жиноятни фош қилиш мақсадида видеотасвирга тушира бошлади. Буни кўрган Б. Шамаатов олтин қуми солинган пакетларни қайтариб, 1-конвейер орқали процессга ташлаш тиб юборди. Шу тариха судланувчилар жиноятни ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига еткази олишмади.

Суд томонидан судланувчи Б. Шамаатовга нисбатан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Унинг бошқа жиноий шерикларига ҳам содир этган қилмишларига яраша турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ахир жиноятга жазо муқаррар-да.

Жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлар ичида энг хавфлиси, шубҳасиз, порахўрликдир. Дарҳақиқат, қўлаб ижтимоий муаммолар, қандай қўрилишда ва қандай миқёсда бўлишидан қатъий назар, илдиэ порахўрлик ва коррупция жиноятларига бориб тақалади. Шу сабабдан ҳам ҳар қандай тараққиёпарлар давлатнинг ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчиликнинг бундай қўрилишларига қарши жиддий кураш олиб боради.

Биргина қалтис хато инсоннинг йиллар давомида йиққан обрўсига пўтур етказиши, жамиятдаги мактедан, ишдан мосуво этиши ва ҳатто жиноий жазога тортилшига сабаб бўлиши мумкин. Сергели туман Давлат солиқ инспекциясининг қисқа муддатли текширишлар бўлими бош инспектори Улуғбек Тўйчиев ва шу бўлим инспектори Агзамбек Досметовлар ҳам бунни яхши билишган. Аммо жиловланмаган нафс уларни қалтис ишга бошлади.

Бурчга хиёнат

А.САИДХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси катта терговчиси

Сергели туман Давлат Солиқ инспекцияси бошлигининг Сергели-3 мавзесида жойлашган "Ярмарка" деҳқон бозори худудидан озик-овқат ва аторлик моллари билан савдо қилувчи дўконлар фаолиятининг тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича қисқа муддатли текширув ўтказиш ҳақидаги буйруғига асосан У.Тўйчиев ва А.Досметовлар текширувга чиқадилар. Қисқа муддатли текширувга чиққан солиқ инспекторлари ўзларига юклатилган топшириқни масўулият эмас, моддий манфаат кўриш учун имконият деб тушунишди.

Улар бу текширувнинг ҳолис ва қонуний бўлишини таъминлаш ўрнига тамагирлик йўлини танлашди. Жумладан, хусусий

тадбиркор Р.Аҳмедовнинг дўконидан савдо қондаларига риоя этилиши, нақд пул тушумининг тўлиқ қирим қилиниши ва банкка топширилиши бўйича номинга текширув ўтказишди. Дўкондаги қирим ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаган 3 млн. сўмлик ортиқ товар моддий бойликларни тегишли тартибда баённома тузиб, ушбу ҳужжатсиз товарларни олиб қўйиш чораларини қўриш ўрнига, ўзларини қўриб кўрмасликка олишди. Албатта, солиқ инспекторларининг бундай йўл туттишлари бежизга эмас эди. Ўзaro

жинойи тил бириктирган У.Тўйчиев ва А.Досметовлар хизмат бурчларига хиёнат қилиб, нуқонуний товарларни давлат фойдасига мусодара қилмаслик эъазига хусусий талбиркор Р.Аҳмедовнинг амакиси - ушбу дўконда савдо қилиб келаётган Ш.Аҳмедовдан 1200 АҚШ доллари миқдоридан пора талаб қилишди.

Ш.Аҳмедов бунча пулни беролмаслигини айтиб, уларни "инсофга чақирган" бўлади. Бироз тортишувдан кейин тамагир инспекторлар 1000 АҚШ доллари эъазига иш мусодарага етиб бормаслигига ваъда беришди. Айтилган суммани эртаси кундан кечиктирмасдан салкам уч ярим миллионлик ҳужжатсиз товарлар мусодара қилинишини, қолаверса, савдолан тушган пулларнинг назорат касса машинасига киритилмагани масаласи ҳам кўтариллишини уқтириб ўтишди.

Аммо Ш.Аҳмедов ҳам анойилардан эмас экан. Аввал бошланок дўконда текшириш бошла-

ган У.Тўйчиевнинг хатти-ҳаракатларидаги нуқонуний жиҳатларни пайқаган Ш.Аҳмедов тамагир инспекторларнинг гапларини диққотфонга эъиб олади.

Шундан сўнг Ш.Аҳмедов ДСИ ходимлари У.Тўйчиев ҳамда А.Досметовларнинг очикдан очик тамагирлик қилётганини ва уларга қонуний чора қўришларини сўраб ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилади.

Мазкур мурожаат юзасидан ўтказилган тезкор тадбир давомида порахўр солиқ инспекторлари жиноят устида - пора сифатида талаб қилган 1000 АҚШ долларини фуқаро Ш.Аҳмедовдан олган пайтида қўлга олинди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, У.Тўйчиев ва А.Досметовларнинг ҳар иккови ҳам мазкур соҳада 4-5 йил ишлаган, тажрибали ходимлар саналишган. Билдирилган ишончга, давлат органи ходими деган номга доғ туширган тамагир солиқчилар сўд ҳқми билан тегишли жазосини олишди.

Ватан тараққиёти учун барчамиз масъулмиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

2009 йилда вилоят прокуратураси аралашуви билан 96 нафар тadbirkорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва улар олдидаги муаммолар ҳал этилди. 15 та ҳўжалик юритувчи субъектларга қишлоқ ҳўжалиги учун 113,4 гектар ер майдонлари, 13 та тadbirkорга 463,4 млн. сўмлик кредит ажратилишида, 3 нафарига муҳандислик коммуникацияларга уланишига, 30 нафарига 206,9 млн. сўмлик дебиторлик қарзлар ундирилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, деҳқон-фермер ҳўжаликларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларга 30,6 гектар ер майдонлари, 77 тонна минерал ўғит, 19,7 тонна омухта ем, 47 дона техника, 21,2 тонна нефть маҳсулотлари олишида, 218,5 млн. сўмлик дебиторлик қарзлар ундирилишида, 16 та фермернинг рўйхатдан ўтказилиб, банкда ҳисоб рақамлари очилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят прокуратураси томонидан бу борада жойларда "007" рақамли ишонч телефонининг мунтазам ишлаши йўлга қўйилган, бу ҳақда омавий ахборот воситалари орқали аҳолига маълум қилинган. Тadbirkорларнинг ушбу телефон орқали келиб тушган 9 мурожаати қонуний муддатларда кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

2009 йилда тadbirkорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонулар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш борасида 234 та прокурор назорати ҳужжатлари қўланилди, жумладан, 28 нафар шахс интизомий, 67 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 4 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. Хусусан, "Микрокредитбанк" АТБ "Тайлоқ" минибанки ходимлари "Мажидов Абдунаби" фермер ҳўжалигига ажратилган кредитнинг 850 минг сўмлик фойзини қабул қилиб, банкка кирим қилмасдан талон-торож қилганликлари аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди ва айбдор шахслар тегишли жазага тортилдilar.

Иштихон туманидаги "Тургунбой Эгамбердиевич" номи деҳқон ҳўжалиги паранда сотиб олиш учун АТ "Микрокредитбанк"нинг Каттакўрғон шаҳар филиалига 9 млн. 800 минг сўм кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган. Банк филиали бошқарувчиси Ш. Муминово ушбу сумманинг 10 фойзини, яъни 900 минг сўмини пора тариқасида талаб қилган. У хизмат хонасида 300 минг сўмини пора тариқасида олаётганда қўлга олинди ва жиний жавобгарликка тортилди.

Каттакўрғон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Д. Мусаев, З.Ҳақимов ва Р. Халлоллов тегишли буйруқ асосида хусусий тadbirkор О.Турдиев-

нинг уйига текширишга борганларида у қонуний фаолият юри-таётганини маълум қилиб, тегишли ҳужжатлар тақдим қилса-да, лекин текширувчилар буни инобатга олмай, тadbirkорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиб, ноқонуний текшириш ўтказишга ва баённома тузиш-ган. Ушбу баённома бекор қилинди ва солиқ идораси ходимларининг жавобгарлиги ҳал қилиниб, тadbirkорнинг ҳуқуқи тикланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури-нинг сифатли бажарилиши, қишлоқларда турар-жой ва ижтимоий соҳа объектларини архи-тектуравий режалаштириш ва лойиҳалаштириш, аҳоли уй-жой шароитларини яхшилаш, саноатни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, мактаблар ва коллежлар-нинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш, таълим даражаси ва сифатини оширишга доир тadbirkор ижроси ҳамда ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юза-сидан мутасадди ташкилотларда қатор текширишлар ўтказилди.

Текширишлар давомида Пастдаргом, Самарқанд, Ургут туманларида аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, аҳоли-нинг маънавий шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда куз-қиш мавсум-ларига тайёргарлик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаганли-ги аниқланди. Жумладан, Пастдаргом туман "Сувоқова" ИЧДК ҳисобидаги 12 та артезиан қудуқ-лари таъмирталаб эканлиги, 9 та суви иншооти санитария талаблар-ига жавоб бермаслиги, қишлоқ-лардаги артезиан қудуқлари зар-рарсизлантириш воситалари бил-ан тўлиқ таъминланмагани аниқланган.

Ургут туманидаги "Янгиариқ" МЧЖ раиси Ж.Муминово жамия-тга қарашли А.Навойи номи ММТП ҳудудидаги 4 та артезиан қудуғи ҳамда "Жагалбойли" киш-логидида суви тармоғи қудуқларини таъмирлаш чораларини кўрмаган-лиги оқибатида аҳоли ичимлик суви билан таъминланмаган. Баҳ-рин қишлоғидаги суви иншооти-даги хлорлаш қурилмаси қаров-сиз аҳволда қолдирилган. Бу сал-бий ҳолатлар юзасидан мутасад-ди ходимлар интизомий жавоб-гарликка тортилди, Пастдаргом, Самарқанд, Ургут туман ҳоким-лари номига тақдимномалар кир-ритилди.

Нарпай туман коммунал хиз-мат кўрсатиш бошқармаси, "407-МЧЖШ" қурилиш корхонаси ва "Йул қурувчи" МЧЖ мансабдор-шахслари туман ички автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича тузилган қурилиш смета ҳужжат-ларига ҳақиқатда бажарилмаган 4,8 млн. сўмлик қурилиш-таъмир-лаш ишларини бажарилди, деб қўшиб ёзишиб, ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан ушбу суммадаги бюджет маблағ-ларини талон-торож қилганлик-

лари ҳолати юзасидан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахс-лар оидил суд ҳукмига ҳавола этилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонулар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш-ларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қатъий про-курор назорати ҳужжатлари қўланилди. Хусусан, Самарқанд тумани "Пулимуг'об" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи У.Ҳалимов "МММ-Продукт" хусусий фирмаси раҳбари Ш. Толибов билан жиний тил бириктириб, иш ҳақи тўғриси-даги ҳужжатларни қалбақлаш-тириб, 2 ёшгача бўлган болалар-га нафақа пули олиш учун маҳалла фуқаролар йиғинига тақ-дим қилиб, 2009 йилнинг май-октябрь ойларида 370,1 минг сўм миқдорда нафақа пуллари-ни қонунсиз олганлиги учун жин-ий жавобгарликка тортилди. Бундай мисолларни қўплаб кел-тириш мумкин.

Ҳукуматимиз томонидан аҳо-лини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар, ажратилаётган ма-блағларнинг ҳақиқий эгасига етиб бориши, қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда сарфланиши прокуратура органларининг до-имий назоратида.

Вилоят прокуратураси орган-лари ташаббус билан ҳокимлик-лар ва бошқа мутасадди ташки-лотлар билан ҳамкорликда 2009 йил давомида вилоят, туман ва шаҳарларда 176 мараоба "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари ўтказилди. Ярмаркаларда 4165 та кор-хона ва ташкилотлар 42201 та бўш иш ўринлари ҳамда 7825 та квота иш ўринлари билан иш-тирок этиб, 44260 нафар фуқа-ро ишга жойлаштирилди.

Шу билан бирга ушбу соҳада аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 1351 та прокурор на-зорати ҳужжатлари қўланилиб, 417 нафар шахсининг ҳуқуқлари тикланди. Хусусан, Пайариқ ту-ман бандликка қўмақлашиш мар-кази ноэри Н. Нахалов марказ-га мурожаат қилган 3-гурӯх но-гиронлари А. Мингоев ва Р. Ази-зоваларнинг ҳужжатларини қал-бақлаштириб, расмий ҳужжат-ларга уларнинг ишга жойлашган-лиги тўғрисида сохта маълумот-ларни киритиб, бандликка қўмақлашиш марказига тақдим қилганлиги учун Жиноят кодек-сининг тегишли моддалари бил-ан жиний жавобгарликка тор-тилди. Яна бир мисол. Пастдар-гом туманидаги "Жума элевато-ри" акциядорлик жамияти ман-сабдор шахслари 20 нафар фуқа-ро жамиятга касаначилик асоси-да ишга қабул қилинмаган бўлса-да, 2009 йил феврал-июл ойига қадар улар номидан қалбаки ари-залар ва меҳнат шартномалари расмийлаштириб, ҳисобот кўрс-аткичлари учун сохта буйруқлар чиқарганлиги аниқланиб, айбдор шахслар тегишли жиний жа-зога тортилдilar.

Вилоятда биринчи даражали тўловлар молиялаштирилиб, нақд пул билан таъминлаш чо-ралари кўрилган. Бироқ айрим тижорат банклари томонидан биринчи даражали тўловлар учун молиялаштирилган маблағлар ўз вақтида нақд пул билан таъмин-ланмасдан, миқозларнинг қону-ний манфаатлариға жиддий зар-рар етказилган.

Каттакўрғон туман тиббиёт бирлашмасида ишчи ва хизмат-чиларга иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши аҳоли ўрғанилганда, туман газначилик бўлими томо-нидан иш ҳақи ва унга тенг-лаштирилган биринчи даражали тўловларни тўлаш борасида ак-циядорлик тижорат "Агробанк"-нинг Пайшанба бўлимига тегиш-ли ҳужжатлар тақдим қилинган бўлса-да, банк бошқарувчиси М.Бабаев хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашган. Бунинг натижасида бирлашма ходимларининг жами 151 млн. сўмлик иш ҳақлари кечиктири-либ, тўланмасдан келинган. Маз-кур ҳолат юзасидан туман про-курор томонидан "Агробанк"-нинг Пайшанба бўлими бошқа-рувчиси М.Бабаев маъмурий жа-вобгарликка тортилди, ишчи ва хизматчиларга ойлик иш ҳақла-рининг тўлиқ тўланиши таъмин-ланган.

Оқдарё туманидаги 1-сон умумтаълим мактаби директори-нинг ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосари О.Мардиев, бош ҳисобчиси И. Равшановлар ман-саб ваколатларини суиестемол қилиб, мактаб ўқитувчиларнинг 57 нафарига 2009 йил август-сен-тябрь ойлари иш ҳақи учун улар-нинг пластик карточкаларига 7,4 млн. сўм ортиқча тўлаган ва 78 нафар ўқитувчиларга эса 8,6 млн сўм иш ҳақларини тўламаган. Туман прокурори томонидан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари оидил борилмоқда.

Вилоят прокуратураси орган-лари томонидан 2009 йилда на-зорат-текширув идоралари ман-сабдор шахсларининг ўзлари то-монидан қонуларга қанчалик риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатилди. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, назорат-текширув идоралари ман-сабдор шахсларининг 567 та но-қонуний ҳуқуқий ҳужжатларига протестлар келтирилди, аниқлан-ган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 274 та тақдимнома киритилиб, 81 нафар шахс ёзма равишда оғохланти-рилди, 364 нафар шахс интизо-мий, 154 нафар шахс маъмурий, 9 нафар шахс моддий жавобгар-ликка тортилди, 13 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Мисолларга мурожаат этсак. Пайариқ туман ветеринария бўлими ветеринария-санитария экспертзаси лабораторияси му-дир А.Шарипов "Назорат қилув-чи органлар томонидан яқка тар-тибдаги тadbirkорлар фаолияти-ни текширишлари ташкиллаш-тириш тартиби тўғрисида"ги

Низомнинг 2-банди талабини бузиб, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Комиссияси туман ҳудудий бўлимининг руҳсатини олмас-дан, тadbirkорлар Х.Сатаев ва Н.Музаффаровларнинг фаолият-ини текшириб, тегишли ҳуж-жатларни расмийлаштириб, уларга МЖТКнинг 109-моддаси билан маъмурий жарима жазоси-ни белгиланган. Туман прокурату-раси томонидан А.Шариповнинг қонунсиз қарорларига протест келтирилиб, қаноатлантирилган ва у интизомий жавобгарликка тортилди, қонунбузилиш ҳолат-лари бартараф этилган.


Иштихон туман давлат сани-тария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори Х.Мир-заев ва бошқалар ўзларига ишо-ний топширилган жами 2 млн. 635 минг 822 сўмлик бюджет ма-блағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликла-ри учун ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари билан ай-бланиб, жиноят иши судга юбо-рилган ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши таъминланган. Суд ҳукмига кўра судланувчилар-нинг ҳар бирига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорда жарима тайинлан-диб, ЖКнинг 45-моддасига асо-сан 2 йил давомида моддий ва мансабдорлик лавозимларда иш-лаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Юқоридан келтириб ўтилган мисоллардан кўриниб турибди-ки, амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга, оғриқ нуқ-талар, ечимини қутаётган муам-моли масалалар ҳам етарлидир. Аксарият ҳолатларда фуқаролар-нинг пластик карточкаларига 7,4 млн. сўм ортиқча тўлаган, пой-мол этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қайси давлат идора-сига мурожаат этишни билмас-лиги ёки кеч мурожаат этиши мана шундай салбий оқибатлар келиб чиқишига, бундан фойда-ланган айрим мансабдор шахс-ларнинг мансаб ваколатларини суиестемол қилиб, турли қо-нунбузарлик ҳолатларини содир этишларига замин яратмоқда.

Қабул қилинаётган қонулар-римиз мазмун-моҳияти, уларни ҳаётга жорий этиш тартиби ол-дид фуқародан тортиб барча то-ифадаги мансабдор шахсларга етиб бормас экан, мамлакатда қонун устуворлигини таъмин-лаш, демократик, эркин фуқа-ролик жамиятини барпо этишда бир қатор муаммо ва тўсқинликка етиб бормас экан, мамлакатда қонун устуворлигини амалда таъ-минлаш лозим. Бунинг учун амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини амалда қўллаш тартибининг республикамизнинг энг чекка қишлоқларига аҳоли-га оддий тил билан тўшунтири-шимиз ва шарҳлаб боришимиз лозим. Зеро, халқ фаровонли-ги ва Ватан тараққиёти учун барча-миз масъулмиз.

Фаргона вилоят прокуратураси томонидан 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида" - ги Қонунининг ижроси юзасидан вилоят ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамма унинг қўйи тизимларида текшириш ўтказилди.

Йўлингиз бехатар бўлсин!



Алишер АКБАРОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Суд ваколатига тегишли бўлган маъмурий ишларнинг жойлардаги ЙХХБ томонидан кўриб чиқилганлик ҳолатлари ўрганилганда, айрим қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, ЙХХБ маъмурий амалиёт нозирлари томонидан фуқароларнинг транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги учун тузилган баённомалар атрофида ўрганиб чиқилмасдан, яъни ҳуқуқбузарда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланмасдан, бундай ҳуқуқбузарга нисбатан тузилган маъмурий баённомалар кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиш учун жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судларига юборилмай, қарор қабул қилинишига йўл қўйилган.

Жумладан, Фаргона шаҳар ИИБ ЙХХБ маъмурий амалиёт нозир Ш.Ғоибназаров 2008 йилнинг 19 февраль куни транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарган Фаргона шаҳрида яшовчи фуқаро З.Мамуровга ҳуқуқбузарликни содир этган вақтда ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд бўлгани ҳолда, ушбу ҳолатга оидинлик киритмасдан маъмурий тартибда МЖТКнинг 131-моддаси билан жарима қўйилган.

Бундан ташқари, Ёзёнов тумани ИИБ ЙХХБ маъмурий амалиёт нозир Ф.Далабоев, фуқаро О.Баҳромовнинг 2008 йил 26 февралда маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги учун жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилиб, бир йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик ҳолатини инобатга олмай, фуқаро томонидан

ўша йил 12 августда такоран ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилганда унга нисбатан тузилган ҳужжатларни судга тегишлича чора кўриш учун юбормай, МЖТКнинг 131-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан маъмурий тартибда жарима қўйилган.

ЙХХБ ва унинг қўйи тизимлари томонидан ИИВнинг 23.04.2000 йилги 87-сонли буйруғи талаблари бўйича наркология бўлимлари билан олиб борилаётган ишлар аҳоли ўрғанилганда ЙХХБ ва унинг қўйи тизимлари буйруқ ижросини таъминлаш борасида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, Учкўприк тумани наркология диспансери спиртли ичимлик истеъмол қилганлик ва мастлик ҳолатини тиббий аниқлаш тўғрисидаги махсус протокол бланкалари билан таъминланмаганлиги, текширувни ўтказган врачлар томонидан берилган айрим хулосаларда текширувдан ўтказилган фуқароларнинг маст ёки маст эмаслиги тўғрисида хулосалар берилмаган.

Шунингдек, ички ишлар ҳодимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисаси ҳамда ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ 3 (1) та жиноят ҳисобдан яширилганлиги ҳам аниқланган. Ушбу жиноятлар рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш йўли билан яширилган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича қарорлар бекор қилинди. Жиноят ишлари кўзга тилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди ҳамда жиноятни яширган ҳодимларнинг 3 нафарига нисбатан хизмат текширувни ўтказилиб, интизомий жазо чораси берилди. 1 нафар ҳодимга нисбатан ЖКнинг 241-1-моддаси билан жиноят иши кўзга тилди.

Жумладан, фуқаро Т.Давроннинг аризаси юзасидан Фурқат туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилганда қўйидаги ҳолат аниқланди. Маълум бўлишича, 2009 йилнинг 13 март куни соат 7:30 ларда Яйпан-Навбахор йўлининг Фурқат тумани, Кичикянги қишлоғидан ўтган қисмида Ўзбекистон туманида яшовчи А.Рустамов "Газ-24" русумли автомобилни бошқариб кетаётган, Фурқат тумани Қашқақум қишлоғида яшовчи, 2002 йилда туғилган мактаб ўқувчиси Тўғонбоева Хадичабонуну уриб юборган.

Натижада Х.Тўғонбоева тан жароҳати олиб, дастлаб Фурқат туман марказий шифохонаси шовишлини тиббий ёрдам қўрашти бўлимида, сўнгра Қўқон шаҳридаги 1-сонли шифохонада даволанган.

Қўқон туманлараро суд-тиббий экспертизасининг 2009 йил 7 июндаги хулосасида вояга етмаган фуқаро Х.Тўғонбоева ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари олганлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2009 йилнинг 11 июнида Фурқат туман прокуратураси томонидан ҳайдовчига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзга тилиб, 25 июнда айбон хулосаси билан судга юборилган.

Фурқат тумани ИИБ ЙХХБ қатта инспектори А.Юлдашев томонидан юқорида кўрсатилган йўл-транспорт ҳодисаси яширилиб, тегишли тартибда рўйхатга қўйилмаганлиги сабабли унга нисбатан ЖКнинг 241-1-моддаси билан жиноят иши кўзга тилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ ҳодимлари томонидан аслида ҳокимга фуқароларга сохта ҳайдовчилик гувоҳномалар

тайёрлаб бериш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Жумладан, Марғилон шаҳрида яшовчи фуқаро М.Исмоиловга нисбатан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоида талаблари бузилганлиги ҳолати юзасидан маъмурий баённома тузилиб, мазкур баённома ва ҳайдовчиликнинг "ВС" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси вилоят ИИБ ЙХХБ РИБга топширилган.

Маълум бўлишича, М.Исмоиловга 2007 йилнинг 3 декабрида берилган ҳайдовчилик гувоҳномасининг белгиланган давлат стандартларига мос келмаслиги, вилоят ИИБ ЙХХБда эса унинг номига ҳайдовчилик гувоҳномаси берилганлиги қайд этилган экан.

Аслида АА серияли, 307246 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси 2007 йилнинг 11 декабрида Ёзёнов тумани, "Октябрь" Қ.Ф.Й. да яшовчи фуқаро У.Назаровга берилганлиги аниқланди.

Текшириш жараёнида фуқаро М.Исмоилов ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун 2007 йил сентябрь ойда Марғилон шаҳар, Саҳовот кўчаси, 4-уйда яшовчи фуқаро Иномжон Шокировга 200 АҚШ доллари берилган, И.Шокиров эса, 2007 йил декабрь ойда Тошлоқ тумани ИИБда ишловчи "Зокир" исмли шахсга 200 АҚШ доллари ва фуқаро М.Исмоиловнинг фотосуратини бериб, орадан 15-20 кун ўтганидан сўнг номаълум шахс Фаргона шаҳар, Қирғилик мавзесида жойлашган "Пеликан" бозори олдига фуқаро М.Исмоилов номига расмийлаштирилган ҳайдовчилик гувоҳномасини бериб кетганлиги

аниқланган.

Вилоят прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномаси тайёрлаб берган "Зокир" исмли ИИБ ҳодими ва номаълум шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва 3-қисми билан жиноят иши кўзга тилди.

Вилоят ҳудудидаги "Техника кўригини ўтказиш ҳудудий комиссияси"ларининг маъсулиятсизлиги оқибатида йўловчиларни ташишга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жараёнида Республика Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талабларининг қўпол равишда бузилишига ва айрим корхона раҳбарларининг йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашига бефарқлиги туфайли техник кўрикдан ўтмаган автотransпорт воситаларининг эгалари билан шартномалар тузиб, лицензиялар билан таъминлашга, айримларини эса лицензияларсиз фаолият олиб боришига йўл қўйилган.

Ўтган йил давомида йўловчи ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган 36 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 38 нафар фуқаро тури даражадаги тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган. Ачинарлиси, вилоят ИИБ ЙХХБ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими ва вилоят автомобилларда юк ва йўловчи ташувчи уюшмаси ҳодимлари билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинглар натижасида шу нарсга аниқландики, транспорт воситаларини мажбурий тартибда қулик кўриклдан ўтказиш ва техник сохта ҳолда йўловчиларни ташиш хизматини кўрсатиш ишларига маъсул бўлган мансабдор ва мутасадди шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига маъсулиятсизлик оқибатида 926 нафар ҳайдовчи лицензиясиз хизмат кўрсатиб келган. Бундай транспорт воситаларининг фаолияти вақтинча таққилиб, 41,1 млн. сўм миқдорда жаримга тортилган ҳамда бир йил давомида такоран лицензиясиз фаолият кўрсатган 18 нафар ҳайдовчига нисбатан жиноят ишлари кўзга тилган.

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Лекин амнистия тўғрисидаги қарорга асосан жазодан озод этилган қарздорлардан белгиланган жарималарни ундириш юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари ўрганилганда Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилганлиги аниқланди.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Сергеев тумани судининг 2009 йил 24 июнь кунги ҳукми билан судланувчи А.Тошматовдан 1402,0 минг сўм жарима ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлимида 2009 йил 24 июль куни юритувга қабул қилинган. Аммо ижро иши юритишни кўзгатиш ҳақидаги қарор А.Тошматовга таништилмасдан юқорида айтилган қонуннинг 28-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйилган. Бу эса ижро ҳужжатида кўрсатилган 5 кунлик муддатда ихтиёрий ижро қилиш имкониятини йўққа

Бағрикенглик

чиқарган. Бундан ташқари, қарздор томонидан жарима тўланмаган бўлса-да, унга нисбатан тайинланган жазони ЖКнинг 44-моддасига асосан ўзгартириш ҳақида жиноят ишлари бўйича судга тақдимнома билан мурожаат қилинмаган.

Шунга ўхшаш ҳолат Боевум туман суд ижрочилари бўлими фаолиятида ҳам учради. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2009 йил 9 феврал кунги ҳукмига кўра Н.Ашуратовдан давлат фойдасига 2754,4 минг сўм жарима ундирилиши лозим эди. Аммо туман суд ижрочилари бўлими 17 март куни қарздорга тегишли мол-мулкни аниқлаш ва томонларга талабнома юбориш билан чекланиб қўя қолган ҳолос. Бошқа ижро ҳаракатлари олиб борилмасдан иш пайсалга солинганлиги маъсулиятсизликдан бошқа нарса эмас.

А.МУБАРАКОВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи
Б.НАЗАРОВ, «Hudud»

Туман суд ижрочилари бўлимининг қарздор Н.Ашуратовга нисбатан тайинланган жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан жиноят ишлари бўйича вилоят судига киритган тақдимномаси қувватланмасдан, аксинча Жиноят кодексининг 44-моддасига асосан Н.Ашуратовга тайинланган жарима жазосини бошқа жазо турига ўзгартириш чораларини кўриш ҳақида кўрсатма берилган. Афсуски, суднинг бу кўрсатмаси ҳам ижро этилмаган экан.

Яна бир мисол. Қарздор Ф.Мирхолов Боевум туман суди тайинланган жаримани тўлашдан бўйин товлаб келди. Шундан кейин ҳам уч ойдан ортиқ му-



дат давомида бирор-бир ижро ҳаракати амалга оширилмаганини қандай баҳолаш мумкин?!

Айрим суд ижрочилари фаолиятида юқоридаги каби ишга маъсулиятсизлик билан қараш ҳолатлари мавжудлигини афсус билан қайд этишга тўри келади. Чунончи, жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар судининг ижро варақаларига асосан қарздорлар М.Норқуллов ва Ф.Норқулловдан, Сайхунобод туман судининг ижро варақаларига асосан қарздор Х.Хайитововдан давлат фойдасига жарима ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари Гулистон ту-

ман суд ижрочилари бўлими томонидан 4-5 ойдан бўён ижро этилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Албатта, қонунбузарлик аниқланар экан, у бартараф этилмасдан қолмайди. Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижалари асосида қонун бузилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида суд департаментининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасига тақдимнома киритилиб, 5 нафар суд ижросиси интизомий жавобгарликка тортилди.

Табиат ва инсон

қонуниятлар асосидаги муносабатлар

Бугунги кунда атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган муаммолар муайян ҳудуд, фақат бир мамлакат ёки минтақа билан чекланиб қолган эмас. Атроф-муҳитнинг зарарланиши билан боғлиқ муаммолар чегара билмайди, миллат танламайди, у бутун инсоният олдига долзарб муаммоларни қўймоқда. Бу муаммоларга ечим топиш, жаҳон ҳамжамиятининг, халқаро ташкилотларнинг, ҳар бир тараққийпарвар давлат ва миллатнинг, ҳар бир фуқаро ва шахснинг фаоллигига боғлиқ.



Ботир Калонов,
Ўзбекистонда
хизмат қўрсатган юрист

Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш масалаларида дунёдаги барча мамлакатлар, Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан ҳамкорликка катта эътибор бериб келмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкил этиш, экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади", — деб таъкидлаган эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин табиий объектлар муҳофазасини ҳуқуқий тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар тизими ҳам такомиллаштиришга муҳтож эди. Экологик муносабатлар-

ни тартибга солишчи норматив ҳужжатлар тизими Конституцияга асосланади. 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси табиий объектларни давлатнинг эгаллик ҳуқуқини мустаҳкамлади. Бу эса давлат миқёсида ягона экологик сиёсатни амалга ошириш учун замин яратди. Экология вазифаларини умумхалқ манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этиш имконини берди.

Фуқароларнинг белгиланган бурчлари орасида табиатни асраш, унинг бойликларини муҳофаза қилиш вазифасига Асосий қонунимизда ҳам, коллекларимизда ҳам алоҳида ўрин берилган. Экологик вазиятни яхшилаш мақсадларига эришишда барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг фаоллигида қонун устуворлиги принципи татбиқ қилинади. Республика қонунларининг сўзсиз ижро этилишининг белгиланиши барча вазирликлар, маҳкамалар, корхона, муассаса, ташкилотлар,

мансабдор шахслар ва фуқаролардан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилишни талаб этиш имконини берди.

Экологик муносабатларни тартибга солишчи норматив ҳужжатлар тизимида миллий қонунлар етакчи ўрин эгаллайди. Булар Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Урмон тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Ер ости бойликлари тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор ана шулар жумласидандир. Маъмурият ҳужжатларида тегишли табиий объектларнинг муҳофаза қилишининг тартиби ҳамда шартларини белгилов-

чи омишлар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, экологик муносабатларни тартибга солишчи муҳим идоравий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни таъминлаш юзасидан прокуратура органлари зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифалар юкланган. Республика прокуратураси органлари томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатнинг ҳудудда бўйсунуш ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек мансабдор шахслар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишга мажбур.

Прокурор назорати давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ва фақат қонунга асосланиб олиб борилиб, қонунбузилиш ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар қўллашга, бузилган ҳуқуқларнинг амалда тикланишига эришишдан иборат.

Прокуратура органлари томонидан 2009 йилда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 307 та тақдирнома киритилган, оқонуний ҳужжатларга 323

Жаҳон кенг, дунёла мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетақдор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиб, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Ислоҳ КАРИМОВ

та протест келтирилган, 166 нафар шахс расман огоҳлантирилган, 2219 нафар шахс интизоми, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, етказилган 21,5 млн. сўмлик зарар айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилиб, судларга ундириш юзасидан 321,6 млн. сўмлик 315 та ариза киритилган ва жиддий қонунбузилишлар бўйича 53 та жиноят ишлари қўзғатилган, 235 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланган.

Экологияга солинаётган хавф нафақат республикамиз ва минтақамиз, балки инсониятга, башариятга ҳам дахлдор эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон давлати атроф-муҳитни алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларни, ер ва ер ости бойликларини, сувни, атмосфера ҳавосини, ҳайвонот дунёсини, ўсимликларни, тупроқни муҳофаза қилишга қаратилган жуда кўплаб қонун ҳужжатларини қабул қилди.

Президентимиз "Ўзбекистон буюк келажак сари" номли китобда: "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган тасвирчан чора-тадбирларни рўйга чиқариш яқин вақт ичидеяқ олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг қўлдангаги экологик танглик тақдирини барҳам топтириш, республика аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусоффо ҳаётини муҳит яратиш имконини беради," — дея таъкидлаган эди.

Ерни асранг, ахир у ягона...

Шавкат ЁДГОРОВ,
"Ниҳуқ"

Мозийга айланган иккинчи минг йиллик инсониятга ўзидан анча-мунча глобал муаммоларни мерос қилиб қолдириб кетдики, нафақат бугунги, балки келажак авлод уларга ечим топишга мажбур. Ана шундай муаммолардан бири экология ва табиатни муҳофаза қилиш масаласидир.

Бугунги фан бу муаммоларни маҳаллий, минтақавий ва глобал каби босқичларга бўлиб ўрганади. Ва шу нарсага ҳам эътибор қаратадики, ҳар қандай маҳаллий аҳамиятга эга экологик муаммо минтақавий, керак бўлса, глобал миқёсга кўтарилиши мумкин.

20 апрель куни пойтахтимиздаги Ботаника боғида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри қўмитаси, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ҳамда Британия Кенгаши ҳамкорлигида "Ер куни"га бағишланган матбуот анжуманини ўтказди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа йўналишидаги мутахассислар, жамоат таш-

килотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Матбуот анжуманида атроф-муҳит муҳофазаси, экология, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга доир бир қатор масалалар муҳофиза қилиниб, шунингдек, "Ер куни"ни нишонлашнинг асосий мақсадларидан бири, ер ресурсларини муҳофаза қилишга жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, экологик маданиятни шакллантиришда таълим ва тарбиянинг муҳим масала эканлиги таъкидланди.

Шу ўринда халқаро миқёсда ўтказилган "Ер куни" акцияси ҳақида маълумот бериб ўтсак. Илк бор 1970 йилнинг 22 апрелида АҚШда атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган акция бўлиб ўтади. Бу тадбир инсоният, она сайёрамиз тақдирига бепарқ бўлмаган миллионлаб одамлар томонидан қўллаб-қувватланди ва бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида нишонланиб келинмоқда. Дунёнинг

"Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамма бошқа табиий заҳиралар умумимиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси.

турли мамлакатларида шу куни дархат қўчатлари ўтказилиб, ободонлаштириш ишлари ўтказилди.

Маълумки, ўтган асрда атроф табиий муҳит ҳолатининг инсон таъсирида кескин ўзгариши ва экологик муаммоларнинг юзага чиқиши кучайди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сайёрамизда йилга 6 млн. га. ер чўлланиш жараёнига учрамоқда. Республикада ҳам шўрланган ер майдонлари ортиб бораёпти.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги ер майдони қарийб 44,9 млн. гектарни ташкил этади, шундан суғориладиган ерлар 4,31 млн. гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил қилади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи суғориладиган ерларда етиштирилади. Аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бориши билан ердан оқилона ва умумий фойдаланиш, муҳофаза қилиш, умумдорлигини ошириш масалаларига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тахлиллар Ўзбекистонда 18,7 млн. гектар ер суғоришга яроқли бўлиб, келгусида деҳқончиликда илғор технологияларни қўллаш, сув сарфини камайтириш эвазига суғориладиган ерларни кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли "Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини Низоми-

ни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори асосида ер мониторинги дастурида фаол қатнашиб келмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Аналитик назоратга итисослаштирилган инспекцияси томонидан 2009 йилда 80 та корхонада мониторинг таҳлиллар ўтказилган. Улардан 44 тасида тупроқни ифлослантирувчи моддалар руҳсат этилган меъёрдан ошқилиги аниқланиб, бундай корхоналарга нисбатан иқтисодий чоралар қўлланилган.

Қишлоқ ҳўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги 718-сонли Қарори билан Молия вазирлиги ҳузурда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жағрамаси ташкил этилиши бу борада катта ўзгаришларни бошлаб берди. Ушбу Қарорни ҳаётга татбиқ этиш бўйича "2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат Дастури" ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги Қарори аниқса, мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкциялаш, тиклаш ва таъмирлаш ҳамда мелиоратив техникаларни бюджет ҳисобидан сотиб олишга маблағ ажратилишини фермер ҳўжаликлари кўтарилган руҳ билан қўлиб олдлар. Натижада 2009 йилда 240 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

/Давоми 12-бетда/

Текин ошнинг тоши

Бахтиёр ИНОФОМОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Олмалик шаҳар бўлими бошлиғи
вазифасини бажарувчи

лаш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этишга йўналтирилган яна бир тадбир натижасида қўлга олинганлардан бири Раҳматулла Хайтматовдир. Олмалик шаҳар Амир Темур кўчасида жойлашган гул бозори атрофида 1 АҚШ долларини 2420 сўмдан ҳисоблаб, жами 2700 АҚШ долларини 6 млн. 534 минг сўмга сотаётган вақтида бу уддасиз равоқдорнинг қонунга зид бўлган фаолиятига чек қўйилди.

"Излаган имкон топар", деган нақлни нотўғри тушуниб, қинғир ишга қўл урганлардан яна бири Ботир Умаровдир. У ҳам бирон-бир турдаги маҳсулот олди-сотдигани эмас, балки "долларфурушлик" билан шуғулланиши ўзини кўриб олди. Валюта қимматликларини республикамизда ноқонуний муомалага киритиш, сотиб олиш, айирбошлаш жиноят эканлигини билса-да, лекин таввақал қилиб Олмалик шаҳаридаги "Ойдин" деҳқон бозори атрофида валюта олди-сотдигиси билан шуғуллана бошлади. Аммо "ойини этак билан ёпиб бўлмайди", деганларидек, у ҳам қонунга зид фаолиятини 1000 АҚШ долларини сотаётган вақтида

ушланди. Бозорларда, кўчаларда қўлда валюта олди-сотдигиси тақиқланганлиги кўпчиликка ойди равшан. Темур Хайдаров ҳам бунга яхши билса-да, "Хуқуқ-тартибот органлари шохиди юрса, мен баргида юраман", қабилида иш тутди. Дастлабки ишларини зор кетмади. Озми-кўпми даромад бўлди. Лекин, кўза кунда эмас, кунда синиши турган гап. Худди шундай бўлди ҳам. У 1000 АҚШ долларини 2 млн. 155 минг сўмга сотиб олган вақтида ушланди. Баргида юрадиган йигитнинг айбини тан олмасдан илоҳи қолмади. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Савол туғилиши табиий. Нега баъзи бир фуқароларимиз "қора бозор"нинг товламачи фирибгарларига мурожаат қилишди. Жавоб эса олдин, яъни сохта тадбиркорларга ноқонуний йўллар билан топишган нақд пул маблағларини расмий валюта алмаштириш шохбачалари орқали эмас, балки "қора бозорда" алмаштирилган афзал қўралар, чунки ўзларининг қинғир фаолиятини ҳамда нақд пул маблағларининг келиш манбаларини ошкор қилиб қўймастик ва назорат қилувчи органларнинг эътиборига тушиб қолмаслик учун шу йўлни танлайди. Афсуски, улар бу хатти-ҳаракатлари билан валютафурушларнинг тегиригига сув қуйишмоқда. Бунга қарши эса кесин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, хорижий валюталарни қонунга хилоф равишда ўтказиш, нақд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланishi, давлат манфаатларига зид келадиган экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳамда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш мақсадида, Департаментнинг Олмалик шаҳар бўлими томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда махсус режатадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда улар асосида ишлар қизғин давом эттирилмоқда.

Издан чиққан "ишбилармон"

Юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятига катта эътибор қаратишмоқда. Аммо бу имкониятни суистемол қилиб, қўзғабунчиликка йўл қўяётган қимсалар ҳам учрамоқда.

Т.Араббоев ризқу насибасини савдо-сотикдан топишга аҳд қилганлардан. Бироқ у ҳам "кўпроқ топиш"га қизиқиб қолди чоғи, турли ноқонуний йўллари йўлга чиқа бошлади. Нафақат ўйлади, балки амалда қўлда бошлади. У яширин равишда ишлаб чиқарилган ёғ маҳсулотларини сотиб олиб, турли этикеткалар остида қалқоқлаб сотишни йўлга қўйиб юборди.

Унинг савдо дўкони текширилганда 162 дона (0,9 литр ҳажмдаги) идишлардаги жами 145,8 литр "IDEALNOE", 240 дона "FARG'ONA" ва шу каби бошқа қатор турли этикеткалар ёпиштирилган ёғ маҳсулотлари чиқди. Умумий баҳоси 1.901.310 сўм деб баҳоланган маҳсулот ва

Обид АХМАДЖОНОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Учкўрғон тумани бўлими катта
суриштирувчиси

турли анжомларнинг ўзи ҳам Т.Араббоевнинг ноқонуний турда ёғ олди-сотдигиси билан шуғулланаётганлигини кўрсатади.

Узаниб жиний хатти-ҳаракатларини инкор этолмагани ҳолда Т.Араббоев қилмишидан пушаймон эканини айтди. Ҳали уйланмаганлиги ва оилавий шароитини эътиборга олиб, энгиллик берилшини сўради.

Т.Араббоевнинг дўконидан топишган ноқонуний мол-мулклар мусодара этилди. Шунингдек, мазкур шахс бир йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, оилак иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

ФАОЛИЯТ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛДИ

Олим ҲИҚМАТОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи

"Таксиремонтмашсервис" МЧЖ мутасаддилари "енг ичида" иш бажариб ҳеч нарса билмагандек юришган эди. Аммо қинғир ишнинг қийини чиқиб қолди: жамият ҳудудида фаолият олиб борган яширин цех "сир"и фож этилди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиб келган бу ноқонуний цехда С.Аҳадов, О.Аҳадов, Ж.Бақоевлар ишлаган. 2006 йилдан текшириш кунига қалар жами 20 миллион 350 минг сўм даромад олган. Бироқ 4 миллион сўмдан ошқ солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаётгани мутасадди раҳбарни ҳечам ташвишга солмаган.

Қонунга хилоф тарзда "Таксиремонтмашсервис" МЧЖ ҳудудида мўмай даромад қўзлаб очилган яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан департаментнинг Бухоро вилоят Бухоро шаҳар бўлими томонидан С.Аҳадовга нисбатан Ўзбекистон ЖКнинг 184, 188-моддаларининг тегишли бандлари билан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, департамент ташаббуси билан МЧЖ ҳудудида янги ҳўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинди, 15 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган цех фаолияти қонунийлаштирилди.

Қонунга итоат эркинлик гарови

Мамлакатни модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли илоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда алоқатли хуқуқий демократик давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валюта оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Навоий вилоят бошқармаси томонидан ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш, тадбиркорлар фаолиятини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан солиқ ва валюта оид жиноятлар, сифатсиз маҳсулотларни мамлакатимиз ҳудудида олиб кириш, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай маҳсулот ишлаб чиқариш, солиққа тортиш базасини сунъий равишда қисқартириш ва коррупцияга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ходимларимиз томонидан 98 та хуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, давлат бюджетига 2 млрд. 960 млн. сўм маблағ ҳисобланди.

Солиқ базасини камайтириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ 40 та хуқуқбузарлик аниқланиб, 433,9 млн. сўмлик қўшимча солиқлар ҳисобланди ва барча ҳолатларда жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, шаҳар "Сувоқав" ишлаб чиқариш бўлими мансабдор шахслари НТМКдан ичимлик ва иссиқ сув маҳсулотларини олиб, аҳолига қайта сотиш фаолияти билан шуғулланганлари ҳолда, 12,2 млн. сўмлик солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товланганлар.

"Djasmira Inform Plius" МЧЖ мутасаддилари эса ДТ "Халқ банки" Қизилтепа бўлими мансабдор шахслари билан ўзаро жиний тил бириктириб, жамиятнинг 124,7 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан боқиманда қарзи мавжуд бўлсада, жамиятга ноқонуний равишда иккиламчи ҳисоб рақами очганлар. Унга "Rubikon Wireless Communication" қўшма корпорацияси ҳисоб рақамидан "Nokia 2126 Г" рўсумли уяли алоқа воситалари олиш учун келиб тушган 42,8 млн. сўмлик пул маблағини йўналтириб, боқиманда тўловларни қасддан тўламаганлар. Жамият ва банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Хорижий валютанинг "қора бозор"да муомалада бўлиши миллий сўмнинг барқарорлигига пу-

тур etkaziши сабабли валюта қимматликларини қонунсиз олиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик чоралари белгиланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан бу соҳада 13 та хуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, хуқуқбузарлардан 21800 АҚШ доллари, 40700 Россия рубли, 30 000 қозоқ тенгеси ҳамда 6,5 млн. сўм пул ашёвий далил тариқасида олинди, 7 та жиноят иши ва 6 та маъмурий хуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди.

Жумладан, Навоий шаҳар бўлими ходимлари томонидан шаҳар Марказий савдо уйи ҳудудида ўтказилган тадбирда А.Наврўзов 7600 АҚШ долларини ноқонуний равишда сотаётганлиги аниқланган бўлса, бошқарма ва Кармана туман бўлими ходимлари фуқаролар И.Юлдашев ва Х.Саидовлар 4800 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда сотаётганда ушлаганлар.

Нақд пулнинг банкдан ташқари айланиши иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган тадбирлар натижасида 4 млрд. 722 млн. сўмлик ноқонуний товар-пул айланмалари аниқланиб, 21 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Масалан, "Навоий Бахтиёр сервис" МЧЖнинг молиявий фаолияти ўрганилганда, жамият мансабдор шахслари томонидан

Баҳром ЯКУБОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи

савдодан тушган 386,4 млн. сўмлик нақд пул банк ҳазинасига топширилмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганлиги, шунингдек, 763,8 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар бухгалтерияга кириш қилинмасдан ҳўжжати сизилганлиги маълум бўлди.

Ноқонуний фаолият юритаётган яширин цехлардан 2912,7 минг сўмлик сифатсиз маҳсулотлар олиб қўйилиб, 10 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, Қизилтепа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро А.Шамсидинов ўз уйда электр тармоғига ноқонуний равишда уланиб, қўлбола ускуна ёрдамида чигитни қайта ишлаш билан шуғулланиб келаяётганлиги аниқланган ва жами 332,9 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Сифатсиз, аҳоли саломатлиги учун хавфли бўлган ҳамда қалбаки акциз маркалари ёпиштирилган спиртли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ 4 та хуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 669,9 минг сўмлик спиртли ва тамаки маҳсулотлари

олиб қўйилди ва барча ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Департаментнинг Навоий шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, фуқаролар Д.Юлдашев ва М.Аҳмедовлар қўлбола ускуна тайёрланган 19 турдаги 502 минг сўмлик ароқ маҳсулотларини сотаётганлиги аниқланиб, ушбу алкоғолли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳокимият, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятлар ва коррупция ҳолатларини фож этиш борасида 7 та хуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 3 та ҳолатда банк ходимлари ҳамда 4 та ҳолатда бошқа идоралар ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, Навоий давлат педагогика институти ўқитувчилари А.Аслонов ва Н.Розиқовлар факультетнинг 4-босқич талабаси О.Қудратовдан товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиб, ундан нархи 350,0 минг сўмлик компьютер процессорини олаётган вақтда ушлаганлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти жараёни ўз билганича тадбиркорлик қилиб, даромад топиш дегани эмас, албатта. Ҳўкуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг имкониятлар яратиб берилган экан, қонунга итоат этиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг рўзғорига барака, ишида ривож, бозорларимиз эса арзон ва сифатли маҳсулотларга тўла бўлади.

Япония СОЛИҚ ТИЗИМИ

Жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан бири бўлмиш Япониянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида солиқ тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий институт ҳисобланади.

Бу мамлакатнинг ҳозирги даврдаги солиқ тизимининг ташкилий-ҳуқуқий негизлари 1949 йилда асос солинган бўлиб, мавжуд солиқ органлари 12 та регионал солиқ бошқармалари ҳамда 524 та солиқ инспекцияларидан иборат бўлиб, уларда 57 минг нафар солиқчи ишлайди.

Японияда солиқ органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ишончли ва адолатли солиққа тортишни амалга ошириш;
- солиқ декларацияларининг тўғри тақдим қилиниши ва солиқларнинг тўланиши учун шарт-шароитларни такомиллаштириш;
- ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришига мундариб солиқ қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритиш.

Мазкур тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, солиқ қонунчилигида солиқ юқининг адолатли бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ундирилган солиқлар миқдори солиқ тўловчининг қурби етадиган даражада бўлиши даркор. Солиқларнинг миллий даромадга бўлган нисбати Японияда 25 фоиздан ташкил қилган бир пайтда, бу кўрсаткич Германияда 31, Швецияда эса 50,6 фоизни ташкил қилади. Солиқ қонунчилигини ишлаб чиқиш ва қўллашда ижтимоий ҳимоятга алоҳида эътибор бериш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш муҳим ўрин тутаяди. Японияда солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда солиққа тортиш тизимига дахлдор масалалар билан солиқ тўловчиларни мунтазам равишда хабардор қилиб боришга алоҳида эътибор берилади. Солиқ тўловчиларга солиққа тортишдан қўзғанаётган мақсад ва солиқларни тўлаш

нинг муҳимлигини етказиш, шу билан бирга, аҳоли ва корхоналарда солиқ органларига нисбатан ишонч туйғуларини сингдириш кўзда тутилади. Мазкур мақсадларни амалга ошириш борасида оммавий ахборот воситаларидан кенг қўламда фойдаланадилар, махсус журналлар, китобчалар нашр этилади. Давлатнинг махсус молиявий дастурлари асосида семинарлар ўтказилиб, мазкур таъбирларга оммавий ахборот воситалари ҳам кенг жалб этилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва солиққа тортиш довомида юзага келадиган турли ҳил ҳуқуқий низолаҳи ҳал қилиш учун Японияда 1951 йилдан солиқ мақсадчилари тизими самарали равишда ишлаб келмоқда. Солиқ мақсадчиларининг фаолияти бўйича махсус қонун қабул қилинган бўлиб, мазкур жараёнда солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор бе-

Улғубек СУННАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курслари тингловчиси

рилган. 1958 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, солиққа оид ҳуқуқий тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш солиқ органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Агар 1970 йилда мамлакатда солиқ органлари томонидан ҳаммаси бўлиб 132 мингта мақсадчилар берилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 3 млнга етган.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, солиққа тортишнинг умумий тизимини яхшилаш ва солиқ ундириладиган барча даромадлар манбаларини ҳисобга олиш учун Японияда барча солиқ тўловчиларнинг дек-

ларация тақдим қилиш тизими жорий этилган. Солиқ тўловчиларни декларация тақдим қилишда ҳаюл ва фаол иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида 1950 йилдан бошлаб, "ҳаворанг декларациялар"ни тақдим қилиш тизими жорий этилган бўлиб, унга кўра солиқ инспекцияси раҳбарининг маъқуллашига асосан тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдорини ўз вақтида ҳисоблаб чиқиб, уларни ўз вақтида тўлаётганларга имтиёзлар бериш тизими жорий этилган.

Солиқларни ҳисоблаб чиқиши ва тўлашни тартибга келтириш учун Японияда интизомга чақирувчи солиқ бухгалтерлари тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда ҳар бир солиқ инспекциясида тегишли солиқ бухгалтерлари фаолият олиб бормоқда.

Умуман олганда, Япониядаги солиққа тортиш тизимида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноят ишлари кўзғатиш:

(Давони. Бошланиши 1-бетда)

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича тўрт юздан ортиқ халқро ҳужжатлар мавжуд. Жорий йилнинг 4-5 апрель кунлари мамлакатимизга расмий ташриф билан келган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари оид 60 дан ортиқ халқро ҳужжатларга қўшилганлигини алоҳида эътироф этди. Бу халқро ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича йигирма битта халқро шартномага қўшилган.

Мазкур нормалар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари моддий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини кўрсатади, аммо уларни процессуал қафолатлаш жараёнидаги баъзи бир камчиликлар процессуал ҳуқуқбузарликни юзага келтиради. Бу ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишларини ўз вақтида кўзғатиши уларнинг содир этган шахсларни аниқлаш, тегишли жавобгарликка тортиш ҳамда жабранувчи оиласининг қонуний манфаати - айбдор шахсга нисбатан адолатли жазо қўланилишини таъминлайди.

Жиноят ишлари кўзғатиш босқичида фуқароларнинг эркинлиги, шахсий дахлсизлиги, турархил дахлсизлиги, ёшишлар ва телефонда сўзлашувлари сир сақланиши каби конституциявий ҳуқуқларига эътибор қаратиш лозим. Шахс дахлсизлиги табиий ҳуқуқлар сисиласига кириб, ҳеч қандай шарт билан унинг эркинлигини чеklangлаш, шахсни камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақиқат эмас. Шахсий дахлсизлик айбсизлик презумпцияси билан узвий боғлиқ.

ЖПКнинг 15-моддасидаги жиноят иши кўзғатишнинг муқаррарлиги принципинга кўра, суд, прокурор, терговчи ва сурштирувчи жиноят аломатлари ҳамда асослари мавжуд бўлган тақдирда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишлари кўзғатишлари, бирон-бир муассаса, ташкилот, фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар, унинг қонуний ҳал этилиши учун барча зарур чораларни қўришлари шарт.

Унда қонунийлик принципининг амал қилиши

Чунки, жиноят ишлари кўзғатиш мазкур давлат идораларининг нафақат ҳуқуқий, балки мажбурият тўғрисида. Бу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тўлиқ бажарилмаслиги — давлат ва жамият манфаатларига зид бўлиб, қонунийлик принципи талабларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Жабранувчининг аризида кўра кўзғатиладиган жиноят ишлари бундан мустасно. Жиноят иши кўзғатишнинг муқаррарлиги принципи давлат органларига кенг ваколатлар беради ва уларни жиноятларни аниқлаш, очиб, уларнинг олдини олиш, айбдорларни фош этиш ҳамда уларга адолатли жазо бериш, айби бўлмаганларни жиноий жавобгарликдан халос этиш ҳамда суд қилмаслик учун барча зарур процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлган процессининг фаол субъектлари даражасига кўтараяди.

Жиноят ишлари кўзғатишнинг муқаррарлиги принципининг ижтимоий-ҳуқуқий мазмунини давлат органларининг жиноят судлов ишларини юритиш ва ишни ҳал этишда ташаббускорлик ҳамда фаоллик кўрсатишлари билан бирга барча процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш мажбуриятини уйғун ҳолда олиб боришларига намоян бўлади.

Жиноятчиликнинг мавжудлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари чеklangлашига, жиноят натижасида уларга зарар етказилишига олиб келади. Жиноят ишлари кўзғатишда йўл қўйилган ҳар бир хато фуқароларни асоссиз равишда ҳибсга олиниши, айби бўлмаган шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда жиноят содир этган шахсининг жавобгарлик ва жазодан қўтулиб қолишига олиб келади. Шунингдек, бундай ҳолатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини гайриқонуний равишда поймол этилади. Қолаверса, процессуал жиҳатдан дастлабки терговнинг ноқонунийлиги сабаб бўлади.

Жиноят иши кўзғатишда қонунийлик принципини амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Юрғошимиз таъкидлаганларидек, "...халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди". Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ноқонуний иш юритиш фактлари жамият учун икки ҳисса хавфлидир: улар муайян шахсга бевосита зўрлик ишлатиш ёки унга қонун талаб этган ёрдамни кўрсатмаслик йўли билан зарар етказишдан ташқари, фуқароларда ҳуқуқий нигилизм, танланган демократия йўли, ҳуқуқий давлат қадриятларига нисбатан бепарволик кайфиятини туғдиради. Бундай қилмишлар давлатнинг қонунийлик тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Одамлар қонун кучига, ҳокимиятнинг ваколатчилигига, ўзининг жиноий таъовузлардан ҳимоя қилинишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши фақат қозғола эмас, балки амалда мавжудлигига ишонмай қўядилар. Жиноятчиликка нисбатан ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши, нафақат унинг ҳуқуқларини, айни пайтда қонун билан идора қилинадиган давлатда ҳар бир фуқаронинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини поймол қилишидир.

Жиноят ишлари кўзғатиш тўғрисида қабул қилинган процессуал қарорнинг асосланганлиги тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади: а) уни чиқариш учун зарур ҳолатларни тўла ва етарли даражада белгилаш; б) мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги ёрдамида тегишли ҳолатларни ҳал этиш (уларнинг қонунда кўрсатилган манбалардан олинганлиги, уларни тўплаш ва қайд этишда процессуал тартибга риоя қилинганлиги); в) процессуал қарор ва ундаги ҳулосаларнинг аниқ маълумотлардан келиб чиқишини таъминлаш. Айнан шу ҳолда, яъни жиноят ишлари кўзғатиш тўғрисида чиқарилган процессуал қарор юқоридаги аниқ маълумотларга мувофиқ бўлса, у қонуний ва асосланган ҳисобла-

нади. Жиноят ишлари кўзғатишнинг рад этиш назарий-ҳуқуқий амалиёти ҳисобланади. Чунки у жиноят жараёнидаги шахсларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқдир. Биргина Тошкент шаҳар транспорт прокуратураси томонидан 2008 йилда 22 та жиноят иши кўзғатиш ва ЖПК 83-моддаси бўйича 71 та (76 фоиз) иш ҳужжатлари жиноят иши кўзғатишдан рад этилган, 2009 йилда эса 40 та жиноят иши кўзғатиш ва ЖПК 83-моддаси бўйича 60 та (60фоиз) иш ҳужжатлари бўйича жиноят иши кўзғатиш рад этилган. Яъни ҳуқуқбузарлик кузатишдан ҳар иккинчи материал рад этилган бўлиб, асоссиз рад этилган жиноят ишлари мавжуд эмас. Бу кўрсаткич прокуратурамиз томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят ишлари кўзғатишда унинг асосланганлиги ва қонунчилиги таъминлиги қатъий риоя қилиниши гувоҳлик беради.

Жиноят иши кўзғатиш босқичида қонунийлигини таъминлашнинг бугунги кунда долзарб бўлган масалаларидан яна бири ички ишлар органларининг, сурштирув идоралари ходимларининг касбий малака, кўникмалари, ҳуқуқий маданияти ва онгини мунтазам равишда, янгидан-янги хорижий тажрибалар асосида, самарали тарзда оширишни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш боришининг зарурлигидир.

Жиноят-процессуал ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини ўрганиш дастлабки терговда қонунийлик мустаҳкамлаши учун аввало қонунчиликнинг юқори сифатга эга бўлиши ва уларнинг демократик йўл билан қабул қилиниши зарурлигини кўрсатмоқда. Жиноят ишлари кўзғатиш босқичида қонунчиликнинг кафолати иқтисодий тузумга, шунингдек, бошқа умумий (сиёсий, мафкуравий, маънавий) кафолатларга узвий боғлиқдир.

Ҳолбуки, инсонлар тақдирини ҳал этувчи дастлабки тергов органларининг фаолиятида қону-

нийликка қатъий ва оғишмай риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда қонундан бироз чеклиниш, қонунни четлаб ўтиш, қонунга бўйсунмасликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳатто жиноятни очиб, уни содир этган айбдор шахсни аниқлашга қаратилган фаолиятда ҳам қонунни бузиш мумкин эмас. Чунки қандай асосланишга қарамастан, ҳар қандай гайриқонуний ҳаракат жамиятга, унинг фуқароларига моддий ва маънавий зарар етказаяди. Дастлабки терговда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг натижалари худди кўзғатишдек акс этади: тергов ҳужжатлари бўйича суд ва омма қонунийлик ва адолат, жиноятчиликка қарши курашнинг тезкорлиги ва самардорлиги ҳақида ҳулоса чиқаради.

Қонунийлик принципи бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов бўлинмаларининг бошқалари прокурорлар билан ҳамкорликда мунтазам равишда кўзғатишдан жиноят ишлари, тергов ҳибсхоналаридаги шахслар ушлаб турилишининг қонунчилиги ва асослигини, жиноятлар тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ва хабарларнинг қайд этилиши ва текширилишини, жиноят ишлари кўзғатиш босқичида ўтказилган тергов ҳаракатларининг асосланганлигини текшириб туришлари ва асоссиз ушлаб турилган шахсларни дарҳол озодликка чиқариш чораларини қўришлари лозим.

Ҳулоса қилиб айтганда, жиноят ишлари кўзғатиш жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни текширишдек жуда мураккаб, маъмулиятли вазифаларни ўз ичига олганлиги учун жиноятларни тергов қилишнинг алоҳида процессуал тури ҳисобланади. Жиноят ишлари кўзғатиш босқичида барча конституциявий принципларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади ва айнан шу ҳолат жиноят судлов ишлари юритишнинг келгусидаги муваффақиятини таъминлайди.

Ақбар ТУРСУНОВ,
Тошкент транспорт прокурори

"Эл оғзига элак тутиб бўлмайди", дейишди. Ангор туманида миш-мишлар болалади. Эмишки, "Хўжанқон" маҳалласида яшовчи Қаҳрамон аканинг кўёви Баҳриддин Хўшиев (исмлар шартли равишда ўзгартирилган) қайнонаси Ризвон опани пичоқлаб ўлдирибди. Қайнонаси Қаҳрамон аканинг ҳам қорнига пичоқ санчган экан, лекин докторлар унинг ҳаётини сақлаб қолишибди. Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди.

Қутурган кўёв

Рауф ЭШМИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг
1-ўринбосари
Йўлдош ПАРДА,
"Huquq"



Аслида воқеа бундай бўлган эди. 1989 йил 3 сентябрда Ангор туманида туғилган Баҳриддин Хўшиев "Янгиобод" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Хўжанқон" маҳалласида яшаб келган. Урта маълумотли, ҳеч қаерда ишламаган бу йиғитча маҳалладоши, 16 ёшга тўлган Жумагулга ошиқи беқарор бўлиб қолади ва бир кун илди-авраб номусига тегади. Ўзи ҳамма бало мана шундан бошланган, десак ҳам бўлади, зеро ўша пайтда қизнинг ота-онаси хуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиб, тегишли қонуний чоралар кўрилганда, эҳтимол ушбу ўта шафқатсизлик билан содир этилган қотиллик жинояти юз бермаган бўлармиди? Аммо ота-оналар бошқача йўл тутишди. Йиғитнинг ота-онаси ўғли Жумагулнинг ўн саккиз ёшга тўлганлигини била туриб зўрлаганлиги учун камалиб кетишидан кўрқиб зудлик билан тўй қилиб беришга рози бўлишган. Қизнинг ота-онаси эса "йиғит ўлгур қамалиб кетса, ундан қолган "сарқит"ни ким ҳам келин қиларди", деган ҳадидами, дарҳол шаръий никоҳга розилик беришган.

Бир йил ўтиб ёшлар қиз фарзандли бўлишган. Аммо ҳеч қаерда ишламайдиган, ўзини сўраб келмаган, ўта-онасининг бўйнида бўлган кўёв оила тебратта олармиди. Уларнинг ўртасида тез-тез оилавий жанжаллар чиқиб турган ва бир кун Жумагулнинг сабр қосаи тўлиб, қизини олгану, ота уйига кетиб қолган. Уч ойгача Баҳриддин уни ва қизини сўраб келмаган. Уч ойдан кейин Ризвон опа эри билан маслахатлашиб, "мана уч ой ўтди, бир сўраб келмади, ўзлари шуни қутиб туришган экан", деб Жумагулни қўшни қишлоқдаги хотини автофалокатда ҳалок бўлган икки болали бир эркакка ими-жимидеда узатиб юборишди. Баҳриддиннинг ер тағида илон қимирласа биладиган онаси бундан хабар толиб, ўғлини гиж-гизлайди. У деҳқон бозоридан ҳар бири 3000 сўм турдаган иккита пичоқ сотиб олиб, қайнонасини ўлдириб, қасд олиш учун йўлга тушади. Қизик, нима учун у иккита пичоқ сотиб олган экан? Эҳтимол, биттасини қўлимдан тортиб олиб қўйишса, иккинчисини ишлатаман деган ниятда шундай қилгандир, билмадик,

аммо у ўнг қўлидаги пичоқ билан Ризвон опани пичоқлаб ўлдирган бўлса, чап қўлидаги пичоқни қайнонасининг қорнига санчган. Шундай қилиб у 2009 йил 8 сентябрдан 9 сентябрга ўтар кечаси ярим тунда қайнонасини ҳовлисида девордан ошиб кириб оғилда пойлаб ўтиради. Тонг пайти соат 6:30да қайнонаси билан қайнонаси айвонга чиқишганини кўриб, югуриб бориб қайнонанинг кўз ўнгиди, шунингдек, ташқарига чиқишга юраклари бетламал, даҳшатга тушганча деразадан қараб туришган учта қайнонасининг кўз ўнгиди қайнонасини чавақлаб ташлайди. Хотинига ёрдам беришга ҳаракат қилган Қаҳрамон аканинг қорнига чап қўлидаги пичоқни санчади, аммо бу қотиллик жиноятини ниҳоясига етказолмайдди. Қўтарилган шовқин-сурондан ҳуддисираб, девордан ошиб қўлимдан гойиб бўлади. Суд пайтида баъзилар "ЗАГС" дан ўтмаган бўлишда ҳар ҳолда шаръий никоҳдан ўтишган эди-ку. Қизнинг ота-онаси ҳеч бўлмаса яна бир ойу ўн кун, яъни илди даври туғалганча сабр қилиб турганларида, эҳтимол улар яна ярашиб кетишармиди, деган фикрга борган бўлишлари мумкин. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон дунёвий давлат. Унинг ҳудудида фақат расмий давлат органлари ва муассасаларидан бе-

рилган ҳужжатлар инobatга олинади. Баҳриддин томонидан содир этилган жиноят судда иштирок этган прокурорнинг саъй-ҳаракатлари билан ўта шафқатсизлик билан содир этилган қотиллик деб тан олинди. Жиноят тўғри қасд билан содир этилган. Баҳриддинда қайнонасини ўта шафқатсизлик билан ўлдириш қасди мавжуд бўлган. У жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриб, бозордан иккита пичоқ сотиб олган, ярим кечда қайнонасиникига келиб, оғилда яшириниб турган, тонг пайти қайнота билан қайнона айвонга чиқишганда у қайнонасини қайнота ва учта қайнонасини кўз ўнгиди шафқатсизлик билан чавақлаб ташлаган. Жиноятга тергов органларининг қўзи билан қарайдиган бўлсак, ушбу жиноятнинг объекти қайнонанинг ҳаётидир. Қайнонасини хуқуққа хилоф равишда ҳаётдан маҳрум этиш Баҳриддин томонидан содир этилган одам ўлдириш жиноятининг объектив томонидир. Одам ўлдириш жинояти моддий таркибли жиноят ҳисобланади. У инсон органлигида қайта тикланмайдиган ўзгаришлар, яъни биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Қасддан одам ўлдириш жиноятини объектив томонининг зарурий белгиси айбдор содир этган қилмиш билан жабрланувчининг

ўлими ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади. Юқорида биз Баҳриддин қайнонасини ўлдиришга қасд қилганлигини айтиб ўтдик. Бу Баҳриддин содир этган жиноятнинг субъектив томонидир. Қасддан қайнонасини ўлдириш жиноятини содир этаётганда Баҳриддин жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилган, қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига қўзи етган ҳамда ўлим юз беришини истаган.

Адабиётларда ёзилишича, "жиноят субъекти жиноят таркибининг тўрт элементидан бири бўлиб, ЖКда назарда тутилган ёшга етган, ўз қилмиши учун ўзи жавоб бера оладиган ақли расо жисмоний шахсдир". Бизнинг масоилимизда Баҳриддин ўта шафқатсизлик билан содир этилган қотиллик жинояти субъектидир. Суд жавобгарлиқни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатлари ҳисобга олган ҳолда унга 20 (йигирма) йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Дастлабки терговда ва суд процессида йўл қўйилган жузъий камчилик ва хатолар прокурор протести билан тўғриланди ва жиноятнинг тўғри квалификация қилинишига эришилди. Қисқача қилиб айтганда адолат қарор топтирилди.

Бундан ташқари, суд ҳаёти ш бўйича вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан киритилган давво аризасини муҳокама қилиб, жабрланувчи Қаҳрамон ака олган тан жароҳати туфайли шифохонада даволанган пайтда дори-дармон ва озиқ-овқат учун тўлаган 239 676 сўмни қотил Баҳриддин Хўшиевдан ундиришни белгилашнинг ҳамда жабрланувчига келгусида қолган моддий ва маънавий зарарни ундириш мақсатида фуқаролик тартибидеда судга мурожаат қилиш хуқуқини тушуниришни лозим топди. Қотилга тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтатилади.

Ота-она фарзанд тарбия қиларкан, бир кун келиб у нафақат ўзига қўл кўтариши, ҳатто қотилига айланишини тасаввур ҳам қилолмаса керак! Албатта, бундай воқеалар деярли учрамайди. Аммо гоҳида фарзанд ота-онасиниги билиб-билмай қилган хатоси ёки нотўғри тарбияси орқали ачинарли ва фожиаи ҳолатга ҳам тушиб қолиши мумкин.

Қуз қулларининг бирида Отабой Қурбоновнинг ўз уйдан мурдаси топилди. Бундай ваҳшийликка ким қўл урган бўлиши мумкин? Ёши катта одамнинг ҳаёти кимга керак бўлди?

Оила аъзолари бепарволик билан бош силташди:

— Бизнинг хабаримиз йўқ. Биз алоҳида-алоҳида яшаймиз.

Қўшнилари билан сўхбатда оилада парокандалик вужудга келганлигига кўп бўлган, ота унинг бошқа томонидан алоҳида кириб чиқиши, она эса ўғлининг оиласи билан алоҳида яшашни аниқлангач, тезкор-тергов ходимларида оила аъзоларининг бепарволиги шубҳа уйғотди. Тахмин ва шубҳа асосида ишлар олиб борилагач, қотилликнинг сурати намоён бўла бошлади.

Қўшнилари айтгандай, Отабой аканинг оиласи билан яшамай қўйганга анча бўлган. Аммо оилавий можаролар бу билан тугамай, кунда, кунора давом этиб, ўзаро келишмовчиликлар барчанинг асабини чарчатган. "Қани, Худойим, Отабой аканинг жонини олса-у, ҳамма қутулса". Оиладаги отанинг шу тахлит фикрлашлари отага нафрат билан қарашга ундар, ўзаро жанжаллар эса гоҳида ота-ўғилнинг бир-бирини аямий дўшманлаштириш билан якун топарди.

Ота баъзида унинг ўзи тарафида бўлган ҳисоблагич орқали ўғли томон-

ни электр энергиясидан ажратиб ташларди.

Аниқланишича, ўша кунги қотиллик ҳам айнан шу қилмиш туфайли юзага келган.

Онаси билан узоқ қариндошлариникига тўйга борган Ҳикмат тўйиб ичди. Кайфи ошган, ўзи, онаси ҳамда хотинини қарғаб турган отасини эслаб, кўзлари қинидан чиқаёзди. "Йўқ, — деди ўз-ўзига, — бу ишни ортқ қўзиб бўлмайди. Худога қўйиб бериб, бекор қилаймиз. Худойим ҳеч кимга кераги бўлмаган отанинг жонини олишни кўп пайсалга соляпти. Яхшиси ўзим... шу бугунюк".

Маст ҳолатда уйига қайтиб келса, қўшниларикидан нар тараблиб турибди, уларники эса зимистон.

— Сассиқ чол, энди кунингни кўрасан, — Ҳикмат шундай дея, аллақачон тайёрлаб қўйган темир дастани яна қўлига олди. Яна дейишимизнинг боиси, у бу темир билан бир неча бор отасиникига бостириб кирган эди.

Ҳар сафар шунчаки қўрқитиш учун темирни отасига ўдағайлайдиган Ҳикмат бу гал рosta-камига бир неча марта туширди. Сўнгра қон бўлган кийимларини кучоқлаганича уйига қайтиб келиб ухлади ва эрталаб ҳеч нарса бўлмагандай машинасига миниб, қаергадир

Падаркуш

Улугбек НАВРҲҲҲОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим катта
терговчиси
Ойбек ЖУМАНИЕВОВ,
журналист

жўнаб қолди.

Дастлабки терговда Ҳикмат айбини мутлақо тан олмади. "Отам мени урганди, хушимдан кетиб йиқилдим, эрталаб хонамда уйғондим. Бошқа ҳеч нарса билмайман", деб туриб олди. Онаси билан хотини ҳам жўяли гап айтишни истамади.

Аммо халқимизда "болали уйда гап яшириб бўлмайди" деган мақол бор. Улар қалбларининг бегуборлиги туфайли, ҳақиқатга тик қарашди. Қоти-

ликни ойдинлаштиришда айнан Ҳикматнинг ўғли Сўҳробнинг кўрсатмалари қўл келди.

Оилавий можаролардан ҳар сафар кўрқувга тушадиган болакай бир четда ўтирганча, воқеаларни жимгина кузатарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

...Чироқни ёқмоқчи бўлган Ҳикмат, отасининг "Нимага чироқни ёқасан" деганидан жаҳли чиқиб кетди. Шу заҳоти уни дўшманлашга тушди. Жанжал узоқ давом этди. Бир маҳал Ҳикмат темирни ишга солди. Қўрқиб кетган болакай дағ-дағ титраганича бувисининг ёнига келиб ётди. Бироздан кейин бувисининг овози эшитилмай қолди.

Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Тожиғул Осуловнинг кўрсатмалари ҳам кишини уйлантиради. Унинг айтишича, набираси билан ухлаш учун ётганда, келини Соҳиба қўлида рўмонга ўралган нарсаларни печка ичига тиккан, "Бу нима?" деб сўраса, "Ўғлингиз отаси билан уришиб, кийимларини йиртиб келибди, шу ерга қўймоқчиман" деб жавоб берган.

Тожиғул опа эса бунга эътибор бермай, ётиб ухлаган. Эрининг аволдан хабар олишга эса эртаси кун билан. Балки у бепарволик қилмай, вазиятни ўрганганида, ўғлини ишфохона қаҳирганида ёки эрини шифохонага олиб борганида, бугун ўғли падаркуш деган ном олмаган бўлармиди деган ўй кечадиган бўларди.

Нима бўлганда ҳам энди кеч. Ғишт қолипдан қўнди. Ҳикмат Қурбонов суднинг қора курсисига ўтирди ва айбига яраша жазога тортилди.

Биз эса бу воқеа бошқаларга ҳам сабоқ бўлар деган ниятда уни қозғога туширдик.



Иш жараёнида турфа хил одамлар билан тўқнаш келганмиз. Турли жиноят ишларининг терговда айбни соқит қилишга тиришиб, хилма-хил қиёфаларга кирган муттаҳамларни ҳам кўргандигу, бунақаси ҳали учрамаган эди. "Қаҳрамонимиз" бир ўқ билан бир йўла иккита қўёни уришни мўлжаллаган "мерган"ни эслатади. Шу тариқа ҳам ўзига гард юқтирмай, ҳам "Матиз" русумли "гойчоқ"ни қўлга киритишга ишончи комил эди. Бироқ... Икир-чикиригача пишқипухта туюлган режаси барбод бўлди. Бировга отган тоши қайтиб келиб, ўзининг бошини ёрди...

Бунақаси Бўлмаган

Ёқуд бир ўқ билан икки қўёни урмоқчи бўлган "мерган"



Уасли Самарқанд вилоятдан бўлиб, оиласи билан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8-мавзеддаги кўпқаватли турар-жой биноларининг бирида истиқомат қилар, ўттиз беш ёшида ҳар кимга ҳам на-сиб этавермайдиган лавозимни эгаллаган эди. Республика Молия вазирлиги ҳузурдаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг бошқариш департаментидан бош инспектор бўлиб ишларди. Ошиғи олчи, оқ-қорани фарқлай оладиган, ҳисоб-китобга уста мутахассисни "олтирлар"дан бири чув туширди. "Матиз" энгил автомобилни нақд қилиб қўйиб, бор будини шилиб олди. Пулини санаб олиб, ана-мана дея машинани келтириб беришни орта сураверди. Ниҳоят, алданганига ақли етган Алишер Бурханов Республика Ички ишлар вазирлигига ариза ёзиб топширди. Ушбу ҳолат бўйича Андижон вилоятидаги "Мархамат КМК" масъулияти чекланган жамияти бошқарувиинг раиси М.Худаяровга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси, 3-қисми, "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

"Жабранувчи" А.Бурхановнинг дастлабки терговда шохидлик беришича, у 2009 йил февраль ойида "Матиз" машинасини олиб беришни ваъда қилган М.Худаяровга 9 млн. 680 минг сўм ва 200 доллар ҳамда "шапқаси" учун 1000 доллар пулларини икки қўлбала тутқазган. 15 кунда машинанинг калитини топширишга сўз берган айбланувчи турли баҳоналар билан ишни орта сурган, пулларини қайтаришни талаб қилганида қорасини кўрсатмай қўйган.

— Бу одам билан режага мувофиқ жамғармадан "Мархамат кўча механизацияланган колоннаси"га мелиорация ишлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини текширганимда танишдим. — деди бурро-бурро қилиб "жабрланувчи". — Ер текислаш, зовурларни тозалаш графикада белгиланган муддатдан ортада қолаётгани, тўқсон бир минг сўмлик тупроқ ишлари кам баҳарлигини аниқлаб, камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма бердим. Текшириш тугагунча тўрт кун Андижон шаҳридаги "Элита" меҳмонхонасида ётиб турдим. Хизмат сафари учун ишонман берган пуллар билан ҳисоб-китоб қилдим. Сафарим тугагач, Тошкентга қайтдим. 2009 йил январь ойида қариндошим Абдурахмон келтириб берган пулга "Матиз" машинасини сотиб олиш ҳаракатига тушдим.

Бундан хабар топган М.Худаяров телефон қилиб, автосалонда танишларим бор, "шапқасига" минг доллар қўшсангиз, тезлаштириб олиб бераман, деди. 7 февраль кун иўловчи машинада Андижонга жўнадим. Келишилган жойда, шаҳар те-варигадаги айланма йўлда жойлашган ИХХБ маскани ёнида учрашиб, сўм ва долларда жами 12 миллион сўм пулларни М.Худаяровга бердим. У бугун ақшанба, автосалон берк, танишларни ишга соламан, ўн беш кун ичида телефон қиламан, машинани миниб кетаверасиз, деди. "Бўпти, раҳмат, Фарғонада ишим бор", десам мени ҳайдовчиси М.Ортиқов билан хизмат машинасида қўшни вилоят марказига элиб қўйди. Ишларимни битириб, Тошкентга қайтиб кетдим...

А.Бурханов шундан кейин гўё М.Худаяров билан телефонда кунора гаплашиб туради. Бироқ, бир ой ўтса ҳамки, машинадан дарак бўлавермайди. Телефон қилса, ваъдабоз шартнома тўқсон кун муддатга тузиларкан, ўн миллион сўмни банка топшириб, "шапқаси"ни ҳам бериб қўйганман, пича сабр қилинг, деб ҳовуридан туширади. Шундан кейин телефон қўнғироқларига жавоб бермайди, қақирса, қўл телефонни ўчириб қўяверади. Ниҳоят, 8 май кун А.Бурханов Андижон шаҳрига келиб, М.Худаяровдан пулини қайтариб беришни талаб қилади. У банқдан олсам, элиб бераман, дейди. А.Бурханов унга ишонмасдан тилхат ёзиб беришини талаб қилганида, кўнмайди. Июнь ойида ҳам пулини келтириб бермаганидан сўнг А.Бурханов Республика ИИВга ариза ёзиб, М.Худаяровдан қарзни ундириб беришни ва унга қонуний жазо тайинлашни сўрайди.

Бир қарашда А.Бурхановнинг даъвою-достони чин ҳақиқат, келтирган важлари шак-шубҳасиздай эди. Бироқ синчиклаб тергов қилиш жараёнида у келтирган, беистиснодай туюлган далил-исботларнинг уйдирмалиги аён бўла бошлади.

Дарҳақиқат, бош инспектор А.Бурханов 2008 йил 11 сентябрь кундан 15 сентябрь кунигача "Мархамат КМК" МЧЖда режага мувофиқ текшириш ўтказди. Андижон шаҳридаги "Элита" меҳмонхонасида тунади. Уни ҳар кун эрталаб МЧЖнинг хизмат машинаси олиб кетиб, кечқурун ташлаб кетиб туради. А.Бурханов ўзи айтганидай, МЧЖда жамғарма томонидан ажратилган маблағнинг 90-100 минг сўми эса, бир неча миллион сўми ғайриқонуний сарфланган-

ни, талон-торож қилинганини аниқлайди. Хусусан, "Данғара Олтиннур сервис" фирмаси билан шартномага мувофиқ МЧЖ эҳтиёт қисмлар учун 13 млн. сўм пул ўтказиб берса-да, бироқ ушбу пулга эҳтиёт қисмлар харид қилинмади. Бунинг ўрнига муайян "чегирма" сийноҳ баҳридан ўтиб, нақд пул олинди. Худди шу йўсида "Коканд люкс сервис", "Элегант люкс Элит", "Интер Ойл Коканд" масъулияти чекланган жамиятлари билан эҳтиёт қисмлар хариди хусусида тузилган шартномалар бўйича ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган 2 млн. 800 мингдан тортиб 3 млн. 600 минг сўмгача пул маблағлари нақдлаштириб олинди, ўзлаштирилади. Бундан ташқари А.Бурханов МЧЖда жамғармадан қурилиш учун ажратилган маблағлар меъёрдан ортиқча сарфланганини ҳам аниқлайди.

— Эй, ҳа, ишларни прокуратурага оширишга тўғри келади, — дейди А.Бурханов. МЧЖ раҳбари М.Худаяровнинг пайтаваасига кўрт тушади.

— Бир иложини топиб, текислаб беринг, — дея жовдирайди у. — Нима хизмат бўлса, тайёрман!

— Хўп, далолатномага киритмайман. Лекин мушук беборак офтобга чиқмайди. М.Худаяров "ҳўжатбарор"га 200 доллар бермоқчи бўлади. Лекин у кўнмайди. 1200 долларни ҳам назарига илмай, 5000 доллар топиб беришни талаб қилади. М.Худаяров текшириш охиригача, тўрт кун мобайнида бўлиб-бўлиб, 1500, 800, 200, 2500 доллар пулларни меҳмонхонадаги хонасида бош инспекторга "эхсон қилади". А.Бурханов сўнгги кун тагин МЧЖ раҳбарини дилига гулгула солади.

— Қорхона, ташкилотларга қирқ миллион сўм пул қонунга зид ўтказиб берилибди. Буням далолатномага киритмайман, сизни йигирма миллион сўмга қарздор қилиб қўяман. Битта "Ласетти" олиб берасиз.

— "Ласетти"га қурбим етмайди, — дейди М.Худаяровнинг юраги пўкиллаб.

— Бўпти, энди келаси йил май ойида ишларни элқадан ўтказиб бераман. Ушанда...

— "Ласетти"нинг ўрнига "Матиз" олиб бера қолай, — дейди М.Худаяров агар ҳозир ора бўзилса, кейинги текширишда аёб ўтирмаслигидан хавотирга тушиб.

— Майли, аммо майда-чуйда ҳаракатларга озо-оздан жўнатиб турсангиз, яхшилингизни эсдан чиқармайман.

А.Бурханов ваъда қилганидай, МЧЖдаги ўзлаштириш ва талон-торож ҳолатларини яширади, яъни далолатномага ки-

Шухратбек ЖўРАЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи
Исроил ИБРОҲИМОВ, "Huquq"

ритмайди. Эвазига М.Худаяров Тошкентга қатновчи такси ҳайдовчидан унга ойига 100-200 доллар пул жўнатиб туради. (Буни тергов ва суд мажлисида Б.Юлдашев ва бошқа ҳайдовчилар тасдиқлашди). 2009 йил февраль ойида А.Бурханов Андижонга келиб, М.Худаяровга учрашади. "МЧЖга вилоят гидрогеология ва мелиорация экспедицияси-дан (ГТМЭ) пул туширтирдим, шундан ўн икки миллионни нақдлаштириб беринг" дейди.

— Ҳеч қанақа пул тушгани йўқ, мана ҳисоб ваъдаси... — Бўлмаса энди тушади. Ёнингиздан бериб тураверинг!

— Ҳозир қўлимда йўқ-да, пул тушса, тўрилаб бераман. Дарвоқе, МЧЖ ҳисоб рақамига ГТМЭ ташкилотидан 30 миллион сўм пул келиб тушади. Бироқ, ушбу маблағ қорхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзларини қоплашга йўналтирилади. М.Худаяров бош инспекторга "қарзи" — ўн икки миллион сўмни тўлай олмайдди. 2009 йил апрел ойида А.Бурханов Шахрихон туманидаги фермер хўжалиқларидан бирида текшириш ўтказётган кунлари хўжалик раҳбари А.Умаралиев билан М.Худаяровга учрайди. Аввалига якка-ма-якка гаплашади.

— Қарзингизни тўланг, аччиқ ичкадай чўзмасдан. — Ҳозир сираям иложи йўқ. Ҳисоб рақамдаги ҳамма пулимизни солиқ инкасса билан олиб қўйди.

— Май ойида қайта текшириш ўтказаман. Ушангача "Матиз"ни тўғрилаб беринг. Тошкентдаги бошлиғимиз мени қистовга оляпти.

— Қарз-ҳавола қилиб бўлсам, топиб бераман, — дейди қайта текширишда кингир ишларининг фош этилишидан чўчиган М.Худаяров. — Лекин ҳозир иложи йўқ.

А.Бурханов нарироқда турган А.Умаралиевни гувоҳликка қақирди.

— Қарзимни тўлайман деб бўлсам ичинг. Тилхат ёзиб беринг!

— Бу давлатнинг иши, қасам ичмайман. — МЧЖ раҳбари паст келмади. — Тилхат ҳам беримайман. Имкон бўлганида Алишерга қарзимни тўлайман.

А.Бурханов қўл телефонидан бировга қўнғирди қилди.

— Мана, ўзингиз гаплашинг бошлиқ билан!

Нотаниш кимса М.Худаяровга май ойида ўзи текширув ўтказиши, ёрдам беришини айтиб, А.Бурханов сўраган на-

сани тўғрилаб беринг, деди. — Ҳисоб рақамимизга пул тушган захоти қилиб бераман, — юраги баттар така-пука бўлган МЧЖнинг раҳбари ваъдани қуюқ қилди...

Сўроқда гўё А.Бурханов санаб берган пулга "Матиз" машинасини олиб бермай, 12 миллион сўмни ҳам эгасига қайтаришдан бўйин товлаб юргани туфайли ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилганини эшитган М.Худаяров ёқасини ушлади. МЧЖ бошқаруви раиси лавозимда қилган ғайриқонуний ишлари фош этилишидан ҳайқиқиб, жамғарма бош инспектори А.Бурханов талаб қилган 5000 доллар миқдоридан пора бергани, 12 млн. сўм пора талаб қилиб, ҳоли-жонига қўймагани, бироқ пулни топиб бера олганини туфайли қарздорга чиқариб, тухмат қилаётганини рўй-рост айтиб беришга мажбур бўлди. Унинг сўзларини фермер хўжалиги раҳбари А.Умаралиев, Тошкентга қатнаган такси ҳайдовчилари А.Юлдашев, МЧЖ хизмат машинаси ҳайдовчиси К.Ортиқов ва бошқа гувоҳлар тасдиқлашди.

— Фермер хўжалигимизда текшириш ўтказганида 40-50 доллардан, жами 300 доллар пора олган, — деди А.Умаралиев. — Мени М.Худаяров ҳузурига қарз олди-бердисидан гувоҳликка бошлаб борганини билмаганман. Ким қимдан қарздорлигини тушуномлай, мени бу гапларингга аралаштирмаманлар, деб айтганман.

Ўзи пора тариқасида талаб қилиб олмаган пулни тўланмаётган қарз сифатида қўрсатиб, ҳуқуқ-тартибот органларини чалғитишга уринган, М.Худаяровга тухмат қилган А.Бурханов терговда ҳам, суд мажлисида ҳам айбни инкор этди. Унинг айби гувоҳлар, ишда тикланган асл ҳолатлар, ҳужжатли далиллар, чўнчани, МЧЖда талон-торож қилинган жамғарма маблағлари текшириш далолатномасига кири-тилмай, яширилгани билан тасдиқланди. Текшириш якунларини сохталаштириш, пора талаб қилиб олиш, бировга тухмат қилишдан иборат жиноий қилмишлари учун юлдузни бенарвон урмоқчи бўлган боз инспектор А.Бурхановга узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

"Мархамат КМК" МЧЖнинг жамғарма томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ишлари учун ажратилган маблағларни ўзлаштириб, талон-торож қилган мансабдор шахсларига нисбатан алоҳида жиноят иши қўзғатилди.

Кўпинча жиноят содир этилганда ёки бирон ҳуқуқбузарликка йўл қўйилганда, айбдорлар бу ишларни билмасдан содир этганликларини айтиб, қилмишларини хаспўшлашга уринишади. Аммо қонунни билмаслик ёхуд уни четлаб ўтиш натижасида жиноятга қўл уриш каби ҳолатлар қилмишга яраша жазоланишдан қўтқариб қололмайди. Бироқ ўзи ҳуқуқшунос бўлгани ҳолда, хизмат вазифаси ҳам бевосита қонун билан боғлиқ бўлган шахснинг кўриб-билдиб туриб жиноятга қўл уришини қандай баҳолаш мумкин?

Очеркимиз қаҳрамони Собит Жамолов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумоти ҳуқуқшунос. Ҳокимликда қабул қилинган қарор ва фармойишларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, виза қўйиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш каби юмушлар хизмат вазифаси ҳисобланади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, унинг эгалланган лавозими оддийларидан эмас. Қолаверса, қонун-қондан олдиди фуқароларга қараганда яхши билади. Шу боис, қабулга келган фуқароларга ҳам имкон қадар маслаҳат бериб, кўмаклашиб келади.

2007 йилнинг баҳорида С.Жамолов ана шундай маслаҳат сўраб келган фуқарони қабул қилди. Маълум бўлишича, фуқаро С.Гарпина ўзи истиқомат қилган уйнинг ёнбошига қўшимча иморат содир бўлиб, ушбу биноларга эгалик ҳуқуқини белгилашига ёрдам сўраб келган экан. Аввалига С.Жамолов ўзбошимчилик билан қўрилган биноларнинг расмийлаштириш осон эмаслигини тушунирган бўлди. Аммо С.Гарпина кетма-кет илтимос қилавергач, ахирги рози бўлди ва барча ҳужжатларни тўрилади, суднинг қарорини чиқариш учун 1400 АҚШ долларини сўради. Албатта, у бу пуллари ўзи учун эмас, ишни бажаришда керакли одамларга бериш учун сўраётганини ҳам қисқиртиб ўтди. С.Гарпина унинг вадасига ишониб, айтилган пулни келтириб берди. Ҳуқуқшунос шу заҳоти ишга киришди ва олинган хизмат ҳақида яраша ҳужжатларни тайёрлаб берди. Бу ишларни қандай амалга оширганини эса қўйида имкон қадар баён қиламиз.

Кўп ўтмай яна бир фуқаро эшик қоқиб келиб қолди.

— Ака, туман суди ҳозир яшаб келаётган уйида яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорини чиқарган эди. Хурсанд бўлиб юривдим. Кейин билсам, бундай уйга эгалик ҳуқуқини бўлмаса сотиш мумкин эмас экан. Шу тўғриси?

— Тўғри. Уша уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини олмаганингизча сота олмайсиз.

— Нима, эгалик ҳуқуқини олиш қийинми?


— Албатта, қийин. Э-й, ака, ҳозир осон ишнинг ўзи борми?

— Ака, сиздан илтимос, агар қўлингиздан келса, менга ёрдам берсангиз. Қандай бўлмасин эгалик ҳуқуқини олишим керак. Эрта бир кун сотаман десам... Ахир бу соҳани яхши биласиз-ку. Қуруқ қўймайман...

— Қўймадингиз, қўймадингиз. Майли, бир уриниб кўрай-чи...

Ҳуқуқшунос яна ишга киришди. Бунинг учун у аввало, 2006 йилда фуқаро Акбар Солиҳов номига тумандоғ уйлардан бирида яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақида туманлараро суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорини кўлга киритди. Энди навбат ортехникага келган эди. Бўлмасам-чи, ахир XXI — техника асрида яшаганимиздан кейин нега энди унинг имкони-

«Уддабурон» ҳуқуқшунос



ятларидан фойдаланмаслик керак?! Буни яхши ҳис қилган С.Жамолов компьютер билан «тил»лаша оладиган шахсларни қидириб топди. Қолгани зумда бажарилди.

— Мана ака, Худо деган одам экансиз. Ҳужжатларингиз тайёр бўлди. Энди уйингизда бемалол яшайверасиз. Агар сотмоқчи бўлсангиз, марҳамат, ҳеч ким қаршилик қилолмайди...

У шундай дея А.Солиҳовга ҳужжатларни топширди. Тан олиш керак, шу ўринда С.Жамоловнинг «махорати»га қойил қолмасдан илож йўқ. Ахир суд қарорининг кириш қисмидаги «2006» рақамини «2007» деб ўзгартиришдан ташқари, ҳулосадаги даввогар Солиҳов Акбар Турдиевич оила аъзолари билан Тошкент шаҳридаги 15-уй, 8-хонадонга нисбатан яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқлари борлиги эътироф этилсин, деган жумлани «...уч хонали хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилансин. Туман хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бўлишга Солиҳов Акбар Турдиевич ва унинг оила аъзоларини юқоридаги манзилга рўйхатдан ўтказиш белгилансин. Мазкур қарорни туман турар-жой бинолари кадастр хизматига ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш белгилансин» дея ўзгартириб қўйишнинг ўзи бўладими? Булар-ку майли, айниқса, ушбу ҳал қилув қарорига ўша кун судда умуман қатнашмаган судьянинг имзосини ўхшатиб қўйиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг устали билан асалган гербли муҳридан қанчалар моҳирона фойдаланганини айтмайсизми? Бу ишлар биттач, қарор «аслига тўғри» ва «қонуний кучга кирган», дея тасдиқланиб, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати-га тақдим этилган ва давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳнома-си олинган.

Иши оsonлик билан битганидан хурсанд бўлган А.Солиҳов унга миннатдоҳлик билдириб, уйига йўл олди. Аммо С.Жамолов ҳар қанча пухта иш қилмасин, барибир бир жойда ўзи ҳам билмаган тарзда хатога йўл қўйган эди. У ҳам бўлса, юқорида қайд этилган суднинг «фуқаролик ишларини қайд этиш китоби»да даввогар А.Солиҳовга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги фуқаролик иши эмас, аксинча, айнан шу рақам билан даввогар Қ.Маҳмудовнинг жавобгар Н.Маҳмудовга нисбатан алимент ундириш ҳақидаги фуқаролик иши рўйхатдан ўтказилган ва суд архивидаги фуқаролик ишларидо ҳам алимент ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши сақланган. Бироқ С.Жамолов ўзига шунча-

лар ишонганидан, айнан шу жиҳатларига аҳамият бермайди.

Орадан кўп ўтмай А.Солиҳов яна унинг қабулида пайдо бўлди. Унинг бу сафарги илтимоси аввалигисидан анча оson эди. Шу сабабли, А.Солиҳов томонидан ўзбошимчилик билан қўрилган ҳўжалик биноларига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини «чиқариш» унча қийин бўлмади. Бу гал ҳам компьютер устаси бўлиш танаши-ю сохта бланкалар билан сохта муҳр иш берди...

— Ойи, уйни сотишимиз шартми?

— Нима қилай қизим? Ахир операцияга пул керак-ку. Сотмасан бўлмайди. Билмадим, бу бало сента қардан қараб турган экан-а?!

— Балки бир амаллармиз...

— Кўнвер, буни сотиб, ўрнига кичикроғини оламиз. Орада сени даволашга ҳам анча-мунча пул қолади. Мен аллақачон ҳисоблаб қўйганман.

Хуллас, қизингиз касаллиги баҳона Меҳри опа уйини сотади-кан бўлди. Харидор ҳам тезда топилди.

Таллашиб-тортишиб, уйнинг нарҳини 75 минг АҚШ доллари деб белгилашди.

— Опа, ёнимда 60 минг доллар бор. Ҳозирча шуни олиб турсангиз. Қолганини икки-уч ойда қилиб бераман. Бу ҳақда тилхат ҳам ёзиб беришим мумкин, — деди харидор.

Меҳри опа ноилжоз рози бўлди. Йигитлар унга уч ойдан сўнг яна 15 минг доллар беришлари ҳақида тилхат ёзиб беришди ва нотариусга бориб, расмийлаштириб келишди.

Шундан кейин опа уйнинг ҳужжатларини йиғишга киришди. Аммо БТИга маълумотнома олиш учун бориб, қуруқ қўл билан қайтиб келди. У ерданиларнинг айтишича, опанинг уйни сотишга ҳаққи йўқ эмиш. Меҳри опа-нинг боши қотди. Бир-икки жойга учрашиб кўрди, бироқ натижа чиқмади. Шунда кимдир туман ҳокимиятидаги ҳуқуқшуносга учрашини маслаҳат бериб қолди. Опа вақтини ўтказмай у ерга йўл олди ва ҳуқуқшуносга учради.

— Указон, олднингизга бир мазала билан келудим. Қизим касал бўлиб қолгач, операциясига пул топаман деб уйни сотмоқчи бўлган эдим. Харидор ҳам топилди. Ҳужжатларни йиғишга киришди, БТИдан маълумотнома олганмоқчи бўлсам, беришмади. Уйни сотишга ҳаққингиз йўқ, дейишди. Мана, қўлимда суднинг қорози ҳам бор. Бу ерга уй мени-

Хаётбек АНОТОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
ёрдамчиси

ки эканлиги ёзиб қўйилган. Шунга ёрдам берсангиз.

Собит суднинг қарорини олиб ўқигач, опага юзланди:

— Опа, хафа бўлмайсиз-ку, аммо БТИдагиларнинг уйни сотишга маълумотнома бермаганликлари тўғри. Чунки, уй-жойдан фойдаланиш ҳақидаги қонунларга асосан сотиш мумкин эмас. Мана, суднинг қароридан уйнингизга фақат яшаш ва фойдаланиш учун берилгани кўрсатилган. Шунга кўра, сиз уйингизни сота олмайсиз.

— Уйнинг учун нима қилишим керак?

— Бунинг учун уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш учун судга мурожаат қилишингиз керак. Суд сизга шунча қарор чиқариб берса, ана унда бемалол, кимга хоҳласангиз сотаверасиз.

Бир ҳафтадан сўнг яна келган Меҳри опа тўғри Собитга учрашди-да, ёрдам беришини ўғиниб сўради.

— Указон, айтишларича бу иш фақатгина сизнинг қўлингиздан келар экан. Илтимос, ҳужжатларини тўғрилад бериш.

— Опа, ахир сизга тушунирдим-ку. Яна нима қилиб берай?

— Ҳокимликдан ҳам қарор чиқариш мумкин дейишяпти-ку.

— Опа, бу ишнинг битиши қийин десам, нега тушунайсиз-а! Майли, сиз учун бир уриниб кўраман. Аммо, айтиб қўлай, анча-мунча харажати бўлади. Розими-сиз?

— Вой, бу нима деганингиз? Ҳар қанча харажати бўлса, тайёрман. Ишқилиб, уйнинг ҳужжатларини тўғрилад берсангиз бўлди. Бўлмаса, мен олднингизга куёвимни юбораман. Ҳар қалай эркак киши. Узинглар келишиб оларсиз-лар.

— Мен рози. Бўлмаса куёвингиз эртага менга келиб учрашин...

Собит Меҳри опанинг куёвинга ҳам ишни битириш оson эмаслигига шима қилиб, гап орасида 500 долларини қистириб ўтди.

Куёв ҳам тушуналардан экан, шу заҳоти рози бўлиб, кўп ўтмай айтилган микдордаги пулни келтириб берди. Собит пулни олгач, яна синалган усулни қўллади. Яъни, опадан туман суднинг ҳал қилув қарорини олиб, ундаги уйда яшаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи «право пользования» сўзини эгалик ҳуқуқини белгиловчи «право собственности» дея ўзгартирди. Сўнгра, ушбу қарорни туман судига тақдим этиб, «аслига тўғри» деб тасдиқлаб олишни ҳам унутмади. Табиийки, бу ишларда ҳам ортехника воситаларидан унумли фойдаланилди.

Барча ҳужжатлар тайёр бўлгач, нотариусга бориб, олди-сотди шартномасини расмийлаштириб оlishи.

Туман ҳокимлигининг уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Лобар Хўжаева хизмат вазифасига қўра туман ҳудудидан истиқомат қилувчи фуқаро вафот этиб, ҳеч кими қолмагач, хонадонни каровсиз қолганлиги ҳолатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришда давво аризаси билан судга тақдим этиш учун ҳокимлик ҳуқуқшунос-

си Собит Жамоловга беради. Кўп ўтмай С.Жамолов унга 28 март кун даво аризаси судга топширилганлиғи иш кўриб чиқилгани ҳақида маълумот беради. Аммо нима учундир суд қарорларини унга олиб келиб беришни пайсалга солади. Унинг гапларига ишонган Л.Хўжаева вақтни ўтказмай, турар-жойга ўта муҳтож бўлган бир фуқарога хизмат хонадонни сифатида ордер расмийлаштириб беради. Унга кўра фуқаро бу хонадонга кўчиб киради. Аммо орданга асосан сотиш мумкин эмас. Мана, суднинг қароридан уйнингизга фақат яшаш ва фойдаланиш учун берилгани кўрсатилган. Шунга кўра, сиз уйингизни сота олмайсиз.

— Уйнинг учун нима қилишим керак?

— Бунинг учун уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш учун судга мурожаат қилишингиз керак. Суд сизга шунча қарор чиқариб берса, ана унда бемалол, кимга хоҳласангиз сотаверасиз.

Бир ҳафтадан сўнг яна келган Меҳри опа тўғри Собитга учрашди-да, ёрдам беришини ўғиниб сўради.

— Указон, айтишларича бу иш фақатгина сизнинг қўлингиздан келар экан. Илтимос, ҳужжатларини тўғрилад бериш.

— Опа, ахир сизга тушунирдим-ку. Яна нима қилиб берай?

— Ҳокимликдан ҳам қарор чиқариш мумкин дейишяпти-ку.

— Опа, бу ишнинг битиши қийин десам, нега тушунайсиз-а! Майли, сиз учун бир уриниб кўраман. Аммо, айтиб қўлай, анча-мунча харажати бўлади. Розими-сиз?

— Вой, бу нима деганингиз? Ҳар қанча харажати бўлса, тайёрман. Ишқилиб, уйнинг ҳужжатларини тўғрилад берсангиз бўлди. Бўлмаса, мен олднингизга куёвимни юбораман. Ҳар қалай эркак киши. Узинглар келишиб оларсиз-лар.

— Мен рози. Бўлмаса куёвингиз эртага менга келиб учрашин...

Собит Меҳри опанинг куёвинга ҳам ишни битириш оson эмаслигига шима қилиб, гап орасида 500 долларини қистириб ўтди.

Куёв ҳам тушуналардан экан, шу заҳоти рози бўлиб, кўп ўтмай айтилган микдордаги пулни келтириб берди. Собит пулни олгач, яна синалган усулни қўллади. Яъни, опадан туман суднинг ҳал қилув қарорини олиб, ундаги уйда яшаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи «право пользования» сўзини эгалик ҳуқуқини белгиловчи «право собственности» дея ўзгартирди. Сўнгра, ушбу қарорни туман судига тақдим этиб, «аслига тўғри» деб тасдиқлаб олишни ҳам унутмади. Табиийки, бу ишларда ҳам ортехника воситаларидан унумли фойдаланилди.

Барча ҳужжатлар тайёр бўлгач, нотариусга бориб, олди-сотди шартномасини расмийлаштириб оlishи.

Туман ҳокимлигининг уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Лобар Хўжаева хизмат вазифасига қўра туман ҳудудидан истиқомат қилувчи фуқаро вафот этиб, ҳеч кими қолмагач, хонадонни каровсиз қолганлиги ҳолатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришда давво аризаси билан судга тақдим этиш учун ҳокимлик ҳуқуқшунос-

си Собит Жамоловга беради. Кўп ўтмай С.Жамолов унга 28 март кун даво аризаси судга топширилганлиғи иш кўриб чиқилгани ҳақида маълумот беради. Аммо нима учундир суд қарорларини унга олиб келиб беришни пайсалга солади. Унинг гапларига ишонган Л.Хўжаева вақтни ўтказмай, турар-жойга ўта муҳтож бўлган бир фуқарога хизмат хонадонни сифатида ордер расмийлаштириб беради. Унга кўра фуқаро бу хонадонга кўчиб киради. Аммо орданга асосан сотиш мумкин эмас. Мана, суднинг қароридан уйнингизга фақат яшаш ва фойдаланиш учун берилгани кўрсатилган. Шунга кўра, сиз уйингизни сота олмайсиз.

— Уйнинг учун нима қилишим керак?

— Бунинг учун уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш учун судга мурожаат қилишингиз керак. Суд сизга шунча қарор чиқариб берса, ана унда бемалол, кимга хоҳласангиз сотаверасиз.

Бир ҳафтадан сўнг яна келган Меҳри опа тўғри Собитга учрашди-да, ёрдам беришини ўғиниб сўради.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Қашқадарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда 2010 йил 19 май куни Қарши шаҳрида филиал маъмурий биносидан соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман ҳокимининг 2010 йил 6 мартдаги Х-118\3-сонли қарори ва Вилоят Давлат мулки бошқармасининг 2010 йил 14 апрелдаги ХБ-176\04-сонли буйруғига асосан, Шаҳрисабз туман худудидан "Замонавий савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳа объектларини куриш ҳуқуқини сотиш" учун мулкжалланган куйидаги ер майдонлари кўйилмоқда: 1. Хитой қишлоқ фуқаролар йиғини Тошбулоқ қишлоғидан "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш" объекти куриш ҳуқуқи учун сатҳи 36 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 236000 сўм, Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғини Чоршанбе қишлоғидан 2. "Сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 90 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 260000 сўм. 3. "Ёғочни қайта ишлаш цехи" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 180 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 525000 сўм. 4. "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бинолари" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 144 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 421000 сўм. 5. Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғини Хўжа қишлоғидан "Савдо ва сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 600 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 941000 сўм. Шаҳрисабз шаҳар Ф.Ғулом маҳалласи худудидан 6. "Хусусий ҳаммом" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 168 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 620000 сўм. 7. "Маиший хизмат кўрсатиш биноси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 16 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 380000 сўм. 8. "Дорихона биноси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 96 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 670000 сўм. 9. "Маи-

ший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 192 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 820000 сўм. 10. "Сартарошхона" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 36 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 600000 сўм. 11. "Компьютер хизмати биноси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 36 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 540000 сўм. 12. "Савдо дукони" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 60 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 610000 сўм. 13. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 72 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 620000 сўм. 14. "Маиший ва сервис хизмати кўрсатиш биноси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 180 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 800000 сўм. 15. "Минимаркет" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 72 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 620000 сўм. 16. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 144 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 720000 сўм. 17. Шаҳрисабз шаҳар Чўлпон маҳалласи худудидан "Аҳолига сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 162 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 740000 сўм. 18. Шаҳрисабз шаҳар Жомий маҳалласи худудидан "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 1000 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 950000 сўм. Шаҳрисабз шаҳар Пиллакшик маҳалласи худудидан 19. "Супермаркет ва офис" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 96 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 670000 сўм. 20. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 96 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 670000 сўм. 21. "Савдо дукони" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 96 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 670000 сўм. 22. "2 қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 72 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 620000 сўм. Шаҳрисабз шаҳар Саъдий кўчасининг Лойиҳавий давомидан 23. "Бахт уйи биноси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 500 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 900000 сўм. 24. "Савдо дукони" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 220 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 810000 сўм. 25. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 280 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 840000 сўм. Шаҳрисабз шаҳар Синабоғ маҳалласи худудидан 26. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 216 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 820000 сўм. 27. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 210 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 800000 сўм. Шаҳрисабз шаҳар Хабарлик маҳалласи худудидан 28. "Ветеринария дорихонаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 96 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 670000 сўм. 29. "Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" куриш ҳуқуқи учун сатҳи 96 квадрат метрдан иборат ер майдони. Бошланғич баҳоси 670000 сўм. 30. Қашми туман ҳокимининг 2009 йил 18 августдаги Х-627\8-сонли қарорига асосан кўйилган, Қашми туман Навоий маҳалла фуқаролар йиғини 692-контурдан мерос қилиб қолдириш шarti билан якка тартибда уй-жой куриш ва ёрдамчи хўжалик юртиши учун ҳар бири 600 м² дан иборат 15, 25, 50, 63, 66 ва 89-сонли ер майдон. Ҳар бирининг Бошланғич баҳоси

89000 сўмдан. 31. Қасби туман ҳокимининг 2009 йил 18 майдаги Х-387\5 ва Х-391\5-сонли қарорларига асосан кўйилган, Қасби туман Қашми қишлоғи худудидан мерос қилиб қолдириш шarti билан якка тартибда уй-жой куриш ва ёрдамчи хўжалик юртиши учун ҳар бири 600 м² дан иборат 45 ва 50-сонли ер майдонлари. Ҳар бирининг Бошланғич баҳоси 70000 сўмдан. 32. Қасби туман ҳокимининг 2009 йил 30 июлдаги Х-572\7-сонли қарорига асосан кўйилган, Қасби туман Ғалаба қишлоқ фуқаролар йиғини Тошқўрғон қишлоғи худудидан мерос қилиб қолдириш шarti билан якка тартибда уй-жой куриш ва ёрдамчи хўжалик юртиши учун ҳар бири 600 м² дан иборат 11-сонли ер майдони Бошланғич баҳоси 80000 сўм.

Ушбу ер майдонлари 2010 йил 19 май кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йил 26 май, 2 июн ва 9 июн кунлари соат 11:00 дан бошлаб ушбу ер майдонлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Маъмур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини савдо ташкилотчиси РКМБ Қашқадарё вилоят филиалининг АТИБ Ипотекка банк Қашқадарё вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20210000800571452126, МФО 00190, СТИР 200933850. www.rkmb.uz

Манзил: Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси 20-уй.
Телефонлар: (8 375) 225-44-58 ва 225-41-52. Лицензия: DB 001 № 000004.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

"Республика кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилоят филиали Давлат мулки кўмитаси Хоразм вилоят худудий бошқармаси билан ҳамкорликда, 2010 йилнинг 20 май куни соат 11:00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда такроран ўтказиладиган очик аукцион савдосида мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш учун куйидаги ер майдонларининг очик аукцион савдосини ташкил қилмоқда: Богот туман Хўжалик қишлоғи Майда мийлат маҳалласи худудидан жойлашган, ҳар бирининг юзаси 600 кв. метр бўлган №11 ва 12 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 150000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари 2010 йил 20 майдаги

очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2010 йил 27 май, 03, 10, 17, 24 июн, 01, 08, 15, 22, 29 июл ва 05, 12, 19, 26 август кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорда гаров пулини, РКМБ ЁАЖ Хоразм вилояти филиалининг МФО:

00580, ИНН: 200933850, АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шarti.

Манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Тел: 8(362)226-43-64.

www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Диққат!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишни алоҳида маълум қилади.

Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 25 май соат 10:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибдаги Аукцион савдосига куйидаги объектлар кўйилади.

1. Учкудук туманида жойлашган Навоий кон-металлургия комбинати Шимоллий кон бошқармасига қарашли қурилиш тугалланмаган омборхона биноси. Бошланғич баҳоси 288 730 659 сўм.

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, объектнинг такрорий аукцион савдолари 2010 йил 9, 24 июнь, 8 июль кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

2. Қонимех тумани, Ажнийез кўчаси

(қишлоқ хўжалиги коллежи ёнида) худудидан сатҳи 600 м² (якка тартибда уй-жой куриш учун 400 м² ва ёрдамчи хўжалик юртиши учун 200 м²) иборат 8, 9-сонли жами 2 дона ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 18 000 сўм.

3. Қизилтепа тумани, Вангози ҚФЙ, Вангози маҳалласи худудидан сатҳи 600 м² (якка тартибда уй-жой куриш учун 400 м² ва ёрдамчи хўжалик юртиши учун 200 м²) иборат 1-сонли ер майдони, бошланғич баҳоси 120 000 сўм.

4. Нурота туманида жойлашган Нурота туман ветеринария бўлимига қараш-

ли 1995 йилда и/ч кулранг "ГА3-31029-10" русумли, д/р 21 АД 672 бўлган техник носоз автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 939000 сўм.

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2010 йил 2, 9, 16, 23 июнь кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлар закатат пули тўғрисидаги келишувини имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиалининг ДАТ "Асака" банки

Навоий филиалининг МФО:00206, С Т И Р : 2 0 6 5 7 6 1 3 2 6 , 20210000404537599014 ҳисоб рақамига тўлашлари шarti. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳоси 3 (уч) соат олдин, ер майдонлари учун 3 кун олдин тўхтатилади. Ҳар бир талабгор банктдан омонат ҳисоб рақами очиброқ ваколатли органга тақдим этиши шarti.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотни олиш манзили: 210100, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уй, телефон: (8 436) 770-23-34. E-mail: info@mulk.uz

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сирдарё вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 24 май соат 11:00 дан бошлаб бошланғич баҳосининг ошиб бориш тартибдаги очик аукцион савдосига Янгиер шаҳрида жойлашган коммунал хизматларини кўрсатувчи "Янгиер ҚФБ" МЧЖ нинг 25 фоиз давлат улуши кўйилади. Бошланғич баҳоси 160 382 000 сўм.

Ушбу кунда сотилмай қолган объектнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 31 май, 7, 14 июнь кунлари соат 11:00дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгор-

лар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Сирдарё вилоят филиалининг ДАТ "Асака банк" Гулистон филиалидаги МФО-00373, СТИР-206761326, 20210000904537599007 ҳисоб рақамига закатат пулини тўлашлари шarti. Талабномалар қабул қилиш савдо бошланғич баҳоси 3 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 120100, Гулистон шаҳри, III-маъмузе,

"Бизнес маркази" биноси, 2-қават, 10-11 хона. Тел/факс (8367) 221-04-01, 26-52-98.

E-mail: info@mulk.uz

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги ҳужжатларни 2 нусхала топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Республикада тупроқни эрозия жараёнларидан муҳофазалаш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади, чунки айни пайтда 2 млн. гектарга яқин майдондаги тупроқ сув ва шамол эрозияси таъсири остида.

Шамол эрозиясига учраган майдонлар Республикаимиз чўл зонаси ва буз тупроқлар минтақасининг салкам 50 фоизини ташкил қилади. Суғориладиган тупроқларда шамол эрозияси Фарғона водийсининг ғарбий ва марказий қисми, Бухоро воҳаси, Мирзачўлнинг шимоли-ғарбий қисми, Қашқадарё ва Шеробод чўллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг энгил механик таркибли, қумли ва қумлоқли худудларида кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича, Жаҳон тараққиёт Банки, Осие тараққиёт Банки, ЮНЕСКО, ЮНИДО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди томонидан ҳам республикаимизда экологик вазиятни яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. "ЭКОСАН" 1999 йилдан буён юртимизда "Ер куни" акциясини ҳар йили ўтказиб келмоқда. Бундан ташқари, фонд аҳолининг экологик маданиятини ошириш борасида турли тадбирлар, танловлар ўтказиб келаяётгани ҳам маълум.

Дарҳақиқат, бу борада ёшлар учун турли таълим дастурлари, танловлар, форумлар ташкил этиши ўта муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмок-

Ерни асранг, ажир у ягона



да. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси ва Британия Кенгаши ҳамкорликда "Янги давр ёшлари: иқлим ўзгаришига мослашу" лойиҳасининг тақдимотини ўтказди. Лойиҳанинг асосий мақсади 18-35 ёшгача бўлган ёшларни мазкур лойиҳага жалб этиш ва бошқа давлатлардаги тенгдошлари билан ўз гоёларини ва тажрибаларини алмашишдан ва иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган халқаро тадбирлардаги иштирокини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, соҳадаги вази­фаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ва минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг сай-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Шу маънода, 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда

иш олиб бораётган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон Экологик ҳаракати (Экоҳаракат) тузилган эди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик ёндошу мамакатнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги гоёларни қўллаб-қувватловчи, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга сўзсиз ривоз этилишига қаратилган янгилаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришда бевосита фаол иштирок этишга ҳамда бу борада жамиятнинг барча сай-ҳаракатларини сафарбар этишга интилувчи мамлакат фуқаролари ҳамда уларни амалга ошириш истагида

бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотларини бирлаштиришга қаҳирилган оммавий жамоат ҳаракатидир.

Бугунги кунда Экоҳаракат мамлакатимиз фуқароларининг, хозирги ва келгуси авлодларнинг соғлом атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофазаси қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз ривоз этилишини таъминлашга қаратилган янгилаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилмоқда. Экоҳаракат томонидан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксатириш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинаёпти. Жумладан, "Халқаро Ер куни" муносабати билан 21 апрель куни Тошкент давлат Шарқшунослик институтида "Томчи сувда ҳаёт маъноси", Андижон шаҳрида эса "Йод этишмасли-

ги касаллигига атроф-муҳитнинг таъсири" мавзуларида давра сўхбатлари ўтказилди. Бугун Қорақалпоғистон Давлат университетида ҳам "Ер куни"га бағишланган илмий анжуман ўтказилмоқда.

Ўтган киска давр мобайнида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба ортирилди. Экологик муаммоларни бартараф этувчи қонунлар ва бир қанча қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Амалга оширилган ишлар қамрови кенг, самараси ҳам эътирофга лойик.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, инсон истеъмол қилаётган озқани, нафас олаётган ҳавонини ўзи захарлаётганини тушуниб етсагина, бу соҳада ижобий ўзгариш бўлиши, келажак авлодларга мусавфо ҳаво, гўзал табиат ва зилот сувиимизни мерос қолдира олишимиз мумкин.

Футбол

Халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган жамоаларимизнинг 5-тур баҳсларидаги юриши бироз омадли чиқди дейишнинг мумкин. Аввалига "Пахтакор" ўз майдонинида "Ал-Айн"ни 3:2 ҳисобинда мағлуб этган бўлса, "Бунёкор" Саудияга бориб, қора аънамага чек қўйди. Шу пайтгача мамлакатимизнинг бирон-бир жамоаси "Ал-Иттиҳод" майдонидан очко ололмаган эди. Қалдирғочлар бир амалга "Ал-Иттиҳод"дан бир очко олишни урдашди.



Омадли тур

Максудали ҚАМБАРОВ,
журналист

дан сўнг ҳисоб очилди - 1:0. 15-дақиқага келиб, Ботир Қодиркуловнинг чап қанотдан узатиб берган тўпини Рустам Қодиров боши билан чиройли тарзда дарвозанинг узоқ чап бурчагига туширди - 2:0. Ливанликлар посбони Мухаммад Ҳамуд эса тўпни нигоҳлари билан кузатиб қолишдан бошқа чора тополмади. Бўлимнинг ярмига келиб, иккинчи тўпга ассис-

тентлик қилган Қодиркулов "Насаф" таркибида ўзининг илк голини рақиб дарвозасига йўллади. Бу гал ўнг қанотдан бошланган ҳужумни ривожлантирган Крот тўпни Шомуродовга узатди. Аммо Илҳом етиб кела олмади. Шундай бўлса-да чап қанотдан жарима майдонига кириб келган Ботир тўпни тўхтатмай, кучли зарбаси билан дарвоза тўрига жойлади. Бу пайтда ўйиннинг 22 дақиқаси бошланган эди. Меҳмонлар ўз дарвозаларидан учта тўп ўтқазиб юборган, ортага йўл йўқли-

гини ҳис қилишди шекилли, аста-секин мезбонлар дарвозаси олдида ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қила бошлашди. 26-дақиқада "Ал-Аҳд"нинг тиниб-тинчимас ярим ҳимоячиси Ҳасан Маатқунинг 17-метрлардан йўллаган айланма зарбасини Дмитро Казаченко катта қийинчилик билан майдон ташқарисига чиқариб юборди. 36-дақиқада эса Ислон Иномовнинг ўнг қанотдан жарима майдончасига узатиб берган тўпи йўл-йўлакай рақиб ҳимоячиларидан бирига тегиб, дарвоза томон йўл олди. Айни шу пайтда Мухаммад Ҳамуд жамоасини муқаррар голдан сақлаб, тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборди. Бундан узатилган тўпни Сергей Крот яқин масофадан кучли зарба билан дарвозага тўрилади. Бу сафар ҳам "Ал-Аҳд"нинг посбони ўзини кўрсатди. Учрашувнинг 40 дақиқасига келиб Крот ҳам номини таблога ёздирди эришди. Ўнг қанотдан Баҳодир Муртазоев бир ҳимоячини алдаб ўтиб, тўпни жарима майдонига узатди. Дарвоза устуни олдида турган Крот шу заҳоти боши билан тўпни дарвозага йўллаб, ҳисобни янада йириклаштирди - 4:0. Биринчи бўлимадаёқ керакли натижани қўлга киритган мезбонлар, иккинчи бўлимада у қадар кўп ҳаракат қилишмади. Қолаверса, учрашувнинг иккинчи ярмида ли-

ванликларнинг устози ҳам таркибда керакли ўзгаришларни амалга оширди. Натижада "Ал-Аҳд" футболчилари асосий эътиборни рақиб дарвозасига тўп киритишга эмас, балки ушбу ҳисобни сақлаб қолишга қаратишди ва бунга қайси-дир маънода эришишди ҳам. Шу билан биринчи бўлимада қайд этилган ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди ва қаршилиқлар ОФК кубогига иккинчи йирик галабани тантанали қилишди. Ушбу галабадан сўнг "Насаф" гуруҳдан чиқиб масаласини деярли ҳал этиб қўйди. "С" гуруҳининг "Казма" ва "Ал-Жаиш" жамоаларини ўртасидаги баҳда эса сурияликлар - 0:1 ҳисобида галаба қозониб, ўз имкониятларини яхшилаб олдилар. "Насаф" сўнгги турда "Ал-Жаиш" меҳмони бўлади. Мантқиқий жиҳатдан "Насаф" плей-офф масаласини ҳал қилган. Бироқ "Казма" мағлубиятга учраб қолгудай бўлса, аждарларнинг минимал ҳисобдаги мағлубияти ҳам ОФК кубогини тарқатишга сабаб бўлади. Бундай ҳолатда бирийўла 3 та жамоа бир хил - 10 талдан очкога эга бўлади ва узаро ўйинлар натижасига кўра "Казма" қаршилиқларни ортада қолдириши мумкин. Умуман олганда, сўнгги тур барча жамоаларимиздан фақат галабани талаб қилади. Қўраимиз, бу сафар уларга омад кулиб боқармикан?

Huquq

юрidik gazeta

Ta'asischi:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib),
Svetlana ORTIQOVA, Tahir MALIK

Tahririyat yanzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflikning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009 yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-9328. 25 327 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi-dizayner: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: O. DEHOONOV
Musahhib: A.MUSTAFOYEVA
Navbatchi: O. DEHOONOV

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa jidoyi uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda